

Абдурашид Пардаев

# УЧ ФИЛДИРАКЛИ ВЕЛОСИПЕД

(Қисса ва хикоялар)

ТОШКЕНТ  
ФАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ  
1985

Такризчи  
Анвар Обиджон

**Пардаев А.**

Уч гилдиракли велосипед: (Қисса ва ҳикоялар).—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.—64 б.

Абдурашид Пардаев ўзининг қисса ва ҳикояларида осмон қадар юксак Зомин тоғларининг кўрки-салобатини, меҳнат-каш, танги одамларини мадҳ этади. Шу билан бирга унча кўзга ташланмайдиган ҳаётда «майда-чуйда» «ниқир-чиқир», деб қараладиган, аслида, фаровон турмушимизга соя ташлаб турадиган салбий одат ва камчиликларимизни эринмай очиб ташлайди.

«Аравақашнинг кўшиғи» қиссасида ёзувчи илк коллективлаштириш йилларидаги болалар ва катталарнинг ҳаётини тасвирлайди.

Қисса жуда содда, равои тилда ёзилган бўлиб, ўқувчи юрагига йўл топа олади.

**Пардаев А. Трёхколёсный велосипед: Повесть и рассказы.**

4803010200 — 73

П ————— 159—85

М 352 (04)—85

Ўз2

© Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 й.

## ЗОҒОРА

Арик лабида ўтирган Собиржон сувдаги аксига тикилди: кичкина озғин юз, ғамгин кўзлар... Ковжираб турган лабларини ялаб кўйди. Ўрнидан туриб ямок тушган шимини кўтарди, эски, оғир этигининг тумшуғи йиртилганини пайқади. Камзулининг этагини ғижимлаганча туриб колди. Заиф хўрсинди, хаво ютди, корни оч эди.

Уйда зоғора нон бор. Сўрай деса, барибир онаси бермайди, синглиси Сора билан укаси Баҳром оч ўтирибди.

— Собир, хо Собир...

Онаси чакиряпти. Онаси ўгай, новча, озғин, қаҳрли аёл. Олдида туриш оғир.

Собиржон бурнини тортиб, кўзларини катта-катта очиб, онасига яқинлашди.

— Нима дейсиз?

— Қаерда санқиб юрибсан?

— Шу ердаман...

Онаси унга қаттиқ тикилди, Собиржон бошини эгди.

— Отанг тайинлаб кетган. Бригадага ишга бораркансан.

— Қаерга?

Онаси сал жаҳлидан тушди.

— Олимжон ака бор-ку, ўшанинг бригадасига. Ўтга бориб юрган жойинг, даласини биласан.

Собиржон оғир судралиб кетаётган эди, юришини кўриб онаси тўхтатди ва кўлига озрок зоғора нон берди.

— Дарров еб кўйма. Бригадирнинг олдида корни тўқдай бўлиб тур. Ерга қарайверма.

— Хўп.

— Ишласам чарчамайман, дегин. Бурнингни тортмай гапир.

Собиржон йўлга тушди. Тупрок кўча, жимжит, пасткам уйлар. Атрофини камиш босган дарахтлар. Қулаган тандир, синик арава, лойқаланиб оқаётган анҳор...

Қовок солиб, ўйланиб ишлаётган чол, бакириб, урушни қарғаётган кампир, муздай шамол, дала...

«Ишласам чарчамайман, дейман. Чарчамайман, дейман.— Такрорлаб борарди Собиржон. Онаси тайинладими. Бу гапни айтиши шарт».

Олимжон ака кетмон дастасига, омочга суяниб, умрини далада ўтказётган одам. Шунданми, букчайиб юради, кишига очик чехра билан қараса-да, хорғинлиги сезилиб туради. Бу хорғинлик, ишники эмас, ошқозон касали бор, шунинг учун йилдан йилга ўзини олдирыпти. Набижон урушга кетгач, ўрнига бригадир бўлиб қолди.

Ер чопаетган аёлларнинг ишини кузатиб турган Олимжон ака Собиржонни кўриб:

— Ке, дастёр,— деди.

Гавдали Олимжон ака олдида Собиржон кичкинагина эди. Тўк боладай кўринишга уриниб кўксини кўтарса ҳам, бўйи чўзилмади.

— Нима гап, тинчликми?

— Ишлайман экан.

— Ишлайсан экан? — кулди Олимжон ака.

— Ха,— деди Собиржон.— Ишласам чарчамайман.

— Отанг юбордимми? Ўзи қаёқда? Тегирмондами? Хм-м, кетмонинг борми?

— Йўк?

— Йўк дегин. Майли иш берамиз. Фашистни енгунизмизча ишлаб туришлар.

Собиржон этигининг учига қаради,— йиртигини яширди, осмон тоза, оппок булутлар сузиб юрибди. Хавода кўк ўтларнинг ёқимли хиди анқийди.

— Қани юр-чи,— деди Олимжон ака уни қаёққадир бошлаб. Қапалакка кўзи тушган Собиржоннинг юзи ёришди, қувнаб ўйнагиси келди.

Улар зич экилган тутларнинг нариги томонига ўтишди. Баланд бўйли оксок одам хўкиз қўшилган омочда ер ҳайдарди.

— Хорманг, Абдулазиз ака,— деди бригадир ва узатган катта япалок кўлини қисиб кўйди. Омоч эгаси тундлик билан ахвол сўрашди, сарғиш қошларини чимириб, нос отди.

— Носдан олинг,— деб кўл узатди Олимжон ака.

— Беролмайман, Бир отим қолди.

— Ха, майли... Хўкиз қариб қолибди. Жонвор ҳолдан тойиб қолмасе бас.

— Қачон от берасан?

— Берамиз, берамиз. Хозирча, мана, дастёр. Хўкизни етаклайди. Сизга ёрдамчи.

Омоч эгаси норбзи оҳангда ғулдиради.

— Уйда ун йўк, ундан гапир.

— Бўлади, Абдулазиз ака. Фашистни енгиб олайлик, омборларга коп-коп унни босиб ташлаймиз. Якин қолди, уйдагиларга тушунтиринг.

— Тушунтиринг эмиш, оч бола гапга тушунадими? — бригадир Собиржонга юзланди.

— Абдулазиз амакинг нима десе, бажар. Иш оғир эмас.

— Хўп.

Бригадир кетди.

Хўкизнинг бўйнида ингичкагина аркон, ортикчаси шохларига ўраб ташланган. Омоч эгаси тунд қиёфада оксокланиб олдинга ўтди, ёнига бурилиб, носини туфлади, хўкиз шохидан аркон учини олди.

— Ушла буни,— деди Собирга,— нимага қакқайиб турибсан?

Собиржон шошилиб олдинга ўтмоқчи эди, кесакка суришиб йиқилишига сал қолди. Буни кўрган омоч эгаси:

— Ёрдамчи эмиш...— деб қовок солди.

Собиржон аркон учини кўлига олди. Тарғил хўкизнинг кўпик котган тумшугига, юмилиб турган кўзларига каради. Эгаси каттик товушда «Чух!» деган эди, хўкиз чўчиб кўз очди-ю, юришга интилмади. Собиржон арконни тортди.

— Арконни елкангдан ошириб олдинга караб судра,— деди Абдулазиз ака.

Бошда хўкизни етаклаш Собиржонга осон туюлган эди. Ўзига колса тез, ҳатто чопкиллаб юриб, ерни бирпасда ҳайдаб ташлашни истарди. Бирок хўкиз ва омоннинг, Абдулазиз аканинг юриши унга боғлиқ эмас экан. Хўкиз ўлгудай имиллаб юрар, арконни қанча тортма — беҳуда эди.

Гох-гоҳда «қарс» этган товушдан орқасига қарайди. Абдулазиз аканинг қўлида таёк айланаётганини кўради. Жони оғриган хўкиз бир қадар жонланиб колар, Собиржон ҳам оёғини катта-катта ташлашга уринар эди. Улар ер бошига бориб қайтишди. Омоч эгаси тўхтаб нос отди, «ух» деб ўтирди, ўйланди. Собиржон нима қилишни билмай турди. Ёнидаги одам гапирмайди. Ковоғи солиқ.

Яна ишга тушдилар, яна ер бошига бориб қайтдилар. Иш унмасди

Икки кун шундай ўтди. Қари хўкизни етаклаш, имиллаб юриш бора-бора Собиржонни толдирди. Юраги сикилди. Тушга яқин омоч эгаси унга бошқа иш буюриб колди.

— Барра ўтлардан териб кел.

Собиржон тушунмади.

— Нимага?

— Гап қайтарма. Анови тут тагидан, тоза ердан тер.

Собиржон қари хўкиздан қутилганига қувониб, тутлар сари илдам юриб кетди.

Абдулазиз ака ёнидан пичоғини чиқариб ўтларни илдизидан ажратди. Белбоғи устига текислаб қўйди. Анқайиб караб турган Собиржонга яна кесак, ўтин тердирди. Кесаклардан ўчок ясади, устига декча қўйди. Декча тагидан ўт ёқди. Барра ўтларни декчага ташлаб қовурди. Собиржон тамшаниб турарди. Қўпдан тўйиб овқат емаганини эслади. Декчага энгашиб турган Абдулазиз ака биринчи марта кўзига ювош, меҳрибон одам бўлиб кўринди. Биринчи марта ҳадиксирамай, қўркмай ёнига ўтирди.

— Бўлди,— деди Абдулазиз ака пешонасидаги терни артиб ва декчани ўчокдан олди. Кўзлари сузилиб энтикиб-энтикиб қўйди.

— Қовурма тайёр,— деб Собиржонга илжайиб каради.

Собиржон енгил тортди. У қовурилган ўтни майда чайнаб ютар экан, ширинлик егандек хурсанд эди.

— Отангнинг тирикчилиги қалай? — деб сўраб колди Абдулазиз ака,— сени далага юборипти, аҳволларинг дурустга ўхшамайди.

Собиржон индамади.

— Онанг нон ёпиб турадимми?

— Ҳм-м...

— Далага нон опкемайсан?

Собиржон «йўлда еб қўяман» деб айтгани уялди. «Ўгай онам нон бермайдилар», дегани кўрқди.

— Опке, десангиз опкеламан...— деди у.

— Опке-да.

— Ҳўп.

Унинг қорни қаппайди. Шунда бош эгиб, турган қари хўкизни эслади. «Э, унгаям ўт юлиб бериш керак-ку».

Бирок Собиржоннинг қувончи узокка бормади. Ярим соатча вақт ўтиб,

корнида оғрик бошланди. Оғрик зўрайганда кўлларини мушт қилиб қорнига босди, букчайди.

— Тур ишлаймиз,— деди, унинг холидан беҳабар Абдулазиз ака. Унинг башараси яна тундлашган, мулойимлиги бирпаслик меҳмондек тез кетиб қолган эди.

Собиржон қорнини чангаллаган ҳолда ўрнидан турди, оғрикнинг зўридан инграб юборди.

— Нима қилди! — қурук, дағал товушда сўради омов эгаси.

— Оғрияпти-и...

— Нимага оғрийди! Қорнинг тўйдими? Тур ишлаймиз.

Собиржоннинг ичидаги оғрик ичакларини бурар, нафас олиши оғирлашиб, кўзлари тиниб борарди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

— Бор, тутнинг панасига ўт. Кўз ёшини қара, бунинг,— омов эгаси, ишонқирамади.— Эртага ишладим, деб ҳақ талаб қилади ҳали.

Собиржон зўрға юриб тут панасига ўтди, майсалар устида инқиллаб ётди. Бир вақт Абдулазиз ака келди, жаҳл билан елкасидан ушлаб кўтарди. Сўқмоқчими, юзига тарсаки туширмоқчими эди, боланинг оқариб кетган юзини, қалтираётган лабларини кўриб шаштидан тушди, бир нарса деб фўлдирадио, орқасига қайтди. Собиржон ўқчиди, қайт қилди...

\* \* \*

— Ер ютқур, текинхўр, иш ёқмас!...— уни қарғай кетди ўғай онаси.

— Бир ҳафта ишламай қайтиб келибди. Қорнинг оғриси далада ётавермайсанми! — Онаси Собиржонни кўйиб, тандир ёнида ғужанак бўлиб кўрқиб ўтирган укалари Сора, Баҳромга ёпишди.— Қара, ана акангга!— деб қичқирди.— Ишдан қочиб кепти, қорни оғрипти.

Баҳромнинг қулоғидан чўзди.

— Сен ҳам қара, сенларни боқадиган аканг ишдан қочиб кепти.

Сора бақрайиб қотиб турарди. Баҳром чинқириб йиғлай бошлади. Собиржон, олдин «ая» деб бақирдимиз ё онасининг енгидан тортиб, кейин «ая» дедими — билмай қолди. Бир зум ҳаммаси жим бўлиб қолди.

— О, шўрим! — дея она бирдан дод солди...

Оталари келганда Собиржон пешонасини боғлаб олганди.

— Нима бўлди! — деб сўради ҳеч нарсадан хабари йўқ ота. У ювош, камгап, жанжалга тоқати йўқ одам эди.

Собиржоннинг ичида ўқсик бир ҳаяжон томоғигача хуруж қилиб келди-ю, сиртига чиқмади. Томоғида тўхтаб қолган шу ўқсик ҳаяжон хуружи — эрта тугаган болаликнинг алами, армони эди.

— Бошим оғрияпти...— деди у ва ерга қараб тураверди.

Сора шивирлаб айтди.

— Аям урдилар уни.

Отаси аланглаб у ёқ-бу ёққа қаради, Собиржоннинг бошини силади.

Кўшниникига чиқиб кетган онаси қайтиб кирганида уй жимжит эди. Маҳси тикаётган эрига, Собир, Сора, Баҳромга бир-бир қаради-да, уларнинг чехрасида ўзгариш кўрмагач, «оғзи қон» етимчани кўшни хотинга бир соат ёмонлаб гапирганини эрига кўчириб айтишни бошқа вақтга қолдирди.

— Нима, маҳсингиз йиртилибдими? — деди гапни буриб.— Эшитдингизми, Кодир маҳсумнинг ўғлидан «қора хат» кепти.

— Қачон?

— Бугун.

— Вой бечора...

— Йиғи-сиғини эшитмадингизми?

— Юрак зада бўлиб қолди... Уйлар ёнидан қулоқ солмай тез ўтаман. Қодир махсумнинг ўғли қолхозга раис бўладиган йигит эди-я. Увол бўпти. Ким билади, балки «қора хат» янглиш келгандир!

— Почтачи бировнинг хатини бировга бермайди.

— Қодир махсум бу дардни бир бало қилиб кўтарар-а, аёлига қийин.. Юраги хаста эди. Ишқилиб, худо сақласин-да. Кенжаси урушга яқинда кетди. Энди буниси эсон-омон қайтсин.

Аёл каттиқ чарчагандек «уф» тортди, ошхонага чикди.

\* \* \*

— Қорнинг қўйиб, оғриқ бошингга ўтдими?

— Йиқилиб тушдим, Абдулазиз ака...

— Ҳали кўп йиқиласан.— Омоч эгаси унинг рангпар юзига, бир кечада ичига тортиб, киртайиб қолган кўзларига қараб қандайдир саросимага, фақат ўзига маълум бўлган ваҳимага тушди. Уни шу ваҳима чўчитар, қийнар, миясига ўрнашиб олган, «очлик урушнинг сояси» деган машъум фикр яна юрагидаги ваҳимани кўзғарди. «Қишлоқда бунақа рангпар, нимжон бола кўп, деб тамом бўламиз...»

Қодир махсумнинг ўғлидан «қора хат» келгани рост эди. Қишлоққа раҳбар бўладиган йигитлар урушдан қайтмаса, бу уйлар, бу ерлар кимга қолади?

«Урушга ўзим бормасам бўлмайди. Кундан-кунга ваҳимам кучайиб бор-япти».

— Торт, уйқутирамай! — бехосдан бақирди омоч эгаси.

— Ҳей, сенга айтяпман!

Собиржон дармонсиз эди. Ҳўкиз ҳам омочни базўр тортар, юрганга эмас, чайқалиб турганга ўхшарди. Кечга томон, Собиржон кутилмаганда яна айбсиз жазоланди. Кимдир тутлар орасидаги чинор дарахтини кесган, шохларини уюб ташлаб кетган эди. Собиржон шуни кўрди-ю, ачиниб туриб қолди. Абдулазиз аканинг ҳўкизни суғориб, ўтли жойга арқонла, деганини эшитмади. Енига ўгирилиб омоч эгасининг ғазабли юзини, тикрайган сарик мўйловини кўрди. Юраги «шув» этди. Бутун вужуди музлаб кетди.

Елкасига таёк тушди. Унинг елкаси пасайиб, мияси қақшади, кўз олди қорайди.

— Ҳароми! Итвачча! Қасофат! — кўзи қонга тўлиб бақирди омоч эгаси, — иш буюрсам, бажармайсан. Қилиғинг чиқяпти. Сени... сени... шошма... — омоч эгаси тобора кутуриб борар, жиннига ўхшар, оғзидан кўпик сачрарди. Собиржон тепки остида инграб ётарди...

Эртаси куни омоч эгаси ишламади. Собиржоннинг кўз олдида бригадир Олимжон акага ёлворди.

— Бўлди. Олимжон, мен ортиқ бундай ишлай олмайман. Жинни бўлиб қоламан ё... бировни ўлдириб қўяман.

Олимжон ака тасалли берди.

— Сабр қилинг, Абдулазиз ака, оз қолди...

— Йўк, сен гапимга тушунмадинг. Кеча мана бу болани урдим, тепкиладим. Болани тепкиладим... — омоч эгаси дағ-дағ қалтирарди. — Ахир бу ёвузлик! Уни қара, у ҳеч нарса бўлмагандай ишга келибди, ўзи зўрға нафас оляпти. Уйда қололмаган, уйда... онаси баджаҳл. Мен мунчалик шафқатсиз эмасдим, болаларга меҳрим бор эди. Нима жин урди, билмайман... Билмайман, Олимжон. Мен урушга боришим керак. Нафратимни душманга тўқай. Урушда ўзим қатнашмасам... ишонгим келмаяпти.

— Сизни урушга олмайди, — деди паст товушда Олимжон. — Бекорга

овора бўласиз. Болани урганингизга келсак, бир нарса дейишга ожизман... Бу бола сизни ўлгунча унутмаса керак. Хотирасида ёвуз одам бўлиб коласиз. Дахшат шунда.

Бирпас жим колишди.

— Урушга бораман! — омоч эгасининг тишлари қисирлаб кетди.— Чўлоксан деб қайтарса, яширинча поездга осилиб кетаман.

— Ўйлаб кўринг. Бу ерга ҳам кераксиз, кўпрок кераксиз. Болани ишга ўргатинг.

Омоч эгаси жимгина бошини эгиб, оқсоқланиб, омоч-хўкизни бир айланди-да, устма-уст ух тортди.

Кўйнидан яримта зоғора нон чиқариб, Собиржонга узатди.

— Ол, ол,— деди Олимжон.

Собиржон зоғора нонни олди, каерга кўйишини билмай, нонга тикилганча туриб колди.





### КЎЗГА ТУШГАН ЧЎП

Резина тўпни кучоклаб, болалардан кочиб келаётган Мирза энсиз кўп-рикдан ўтди-да, уйлари томонга эмас, кўшни чорбокка караб юғурди. Олдидан чикиб қолган оқ товук қанотларини ёзиб кочди, кўркқанидан анча вақтгача: ку-ку-ку-ку, деб оёқлари қалтираб юрди. Мирза жийда дарахтлари орасидан ўтиб, юмшоқ кўрпага ўзини отгандек, бедалар устига таппа ташлади. Тўпни кўкрагига босди. У терлаб кетган, ҳансирар эди.

Унинг сепкил босган оқ-сарик юзига дим, ёкимсиз хаво урилди, бу ҳам майли, пойлаб туришгандай пашшалар хужумга ўтишди.

У бу ерда ётолмаслигини билди, турмокчи бўлди, шунда ёнида кимдир: — Хик-к... Хик-к... — деб йиғлай бошлади.

Мирза аввалига ҳеч нарса тушунмади, тўғриси бир оз кўркди... кўзларини катта очди, шохлари тарвақайлаб кетган танаси эгри оппоқ теракнинг учига қаради.

— Хик-к...Хик-к...

У кулоғини ерга тутди, босиб ётганимга бедалар йиғлаётганмикин, деб ўйлади. Бедалар йиғламайди. Унда ким? Нима йиғлаяпти?

Терак тагида...

— Э, момом! — деб юборди беҳосдан ва нечундир тезда бошини бедалар орасига яширди. Болалар шовқин солиб Мирзани излашарди. Мирза тўпни, ўйинни унутди. У, момом нимага йиғлайди, деб ўйлади. Ахир кап-катта кампир.

Ха-а... У эслади: бундан икки ой бурун, қишлоқда, Аҳмад полвон эски девор остида қолиб ўлган... момоси шундай: хик-к, хик-к қилиб йиғлаганди. Момонинг тағин кими ўлди экан? Ахир биров ўлса, биринчи биз эшитамиз. Қишлоқда катта йиғи бўлади. Кейин бир отлик, уйма-уй юриб буни маълум қилади.

Уни кўркув босди.

Момоси терак тагида, енги билан кўзларини яшириб елкаси кўтарилиб-кўтарилиб йиғлаяпти.

— Хик-к... Хик-к...

У ортик тоқат килолмади, алланечук кўнгли бузилиб, ўрнидан турди. Тўп колди. Момосининг йиғиси олдида ҳамма нарса эсидан чикди.

— Моможон!..

Ок кўйлакли, озгин кампир елкаси кўтарилиб-кўтарилиб йиғлар, кайғунинг зўридан, ёнида турган ўн ёшли, пачоккина бола — кўшниси Мирзиёдининг ўғли Мирзани сезмасди.

— Моможон, йиғламанг, моможон!..

Кампир гарангсиб бош кўтарди. Кўнғир тусли юзидаги ажин чизикларидан кўз ёшлари сизиб окар эди.

Мирза ғилт ютинди.

Кампир Мирзага бир зум бакрайиб, сўнг ажабланиб караб турди.

— Ке, Мирзажон... Сенмисан...

Кампир киприкларини кокиб, оғзидаги шўр бир нимани ютди, чукур нафас олиб астагина уф-ф, деди.

— Нимага келдинг, Мирзажон? Опанг, бир нарса сўраб юбордимми?

— Менми, мен... тўпни опкочдим. Мени ўйинга кўшишмади.

— Сени ким ўйинга кўшмади?

— Фозил чўлокнинг ўғли. Кейин, Жалил...

— Мен уларни кўрай, адабини бераман.

Мирза жонланди.

— Энди уларда тўп йўк!

Кампир Мирзанинг юз ва кўзларидан ўпди.

— Сен, худо хоҳласа, яхши одам бўласан!— деди.

Кампир чукур ух тортди.

— Момо, нимага йиғладингиз?

— Йиғлаганим йўк, Мирзажон... Беда ўрмоқчи эдим, кара, гуллаб кетди, энди ўраётувдим... кўзимга чўп тушди...

Мирза индамади, чунки бедага ҳали ўрок тегмаган эди.

— Момо, сизни биров урдими?

Кампир хўрсинди ва узок жимиб колди.

— А, момо, сизни биров урдими? — Мирзанинг ковун шираси коплаган кўлчалари мушт бўлиб тугилди.

— Мени ким уради, Мирзажон! Кампир одамга ҳеч ким кўл кўтармайди. Мирза бу гапга ишонди: отаси ва опаси, кексаларга ким кўл кўтарса, у одамнинг эмас, чўчқанинг боласи бўлади, деб кўп айтади. Кишлоқда эса, хозирча, чўчқаям, чўчқанинг боласиям йўк. Унинг беғубор, беғунох қалби бирдан ёришиб кетди. Ха, рост, момомни ҳеч ким уролмайди. Момом ёлғиз кампир эмас. Шаҳарда ўғли бор. Анвар акам! Сочлари жингалак, семиз, оғзи тўла тилло тиш. Шаҳарлик хотини бирам чиройли. Мен момомнинг кўлида суратини кўрганман. Анвар акам зўр. Жуда соғиндим-да. Нега келмайди, а?

— Момо, сизни биров йиғлатса... Анвар акамга айтиб бераман. Анвар акам зўр.

— О!..— кампир қалтираб кетди.— Мени биров йиғлатолмайди, болам...

— Аҳмад полвонга ўхшаган биров ўлдими?

Кампир сесканди. Назарида... шаҳарда...

— Вой-вой, мунча эзмасан, Мирза. Кулоқдан қолган чол эмас, кулоғи очик боласан-ку. Эшитган гапингга ишониб кетавер-да. Кўзимга чўп тушди. Бор энди ўйна.

Кампир ковок солиб, жаҳл билан ўрнидан турди, ғайрати тошиб беда ўра бошлади.

Инсоннинг пинҳон кайғусига илк бор юзма-юз келган ўйинқароқ бола, кекса кишининг овлоқ бир жойда ўзидан-ўзи йиғлаб ўтирганига, бу йиғисини яшириб, кўзимга чўп тушди деб алдаётганига сира-сира тушунолмай турарди. У тушунишни, билишни истарди...

## УЧ ҒИЛДИРАҚЛИ ВЕЛОСИПЕД

Йўлак бўйлаб келаётган йигит икки каватли ғиштин уй ёнида алланечук мунғайиб турган бола олдида тўхтади. Бола тўрт ёшда бўлиб ғўдаклигида боши касалдан чикмаган, кўп азоб тортган ва натижада нимжон, индамас бўлиб қолган эди. Сарғиш юзлари, катта-катта жонсарак кўзлари тез-тез бурнининг титраши, лабларининг чап қулоғига тортилиб туриши инжиклигидан дарак берарди.

У тўхтаган йигитга талпиниб «Мансуй ака-а» деб бир нарсалар сўрамоқчи бўлди. Бирдан хўмрайиб, орқасига тисланди, доктор укол қиламан деганда, қанча чинқирмасин маҳкам ушлаб тургани эсига тушди.

— Салом, кичкина Дамир Амирович! — деди «Мансуй акаси» ва чўнкайиб ўтирди. — Қани қўлни беринг-чи, бир кўришайлик-чи, соғлигингизни бир сўраб қўяйлик-чи. Қани, хўш, ха, ха, қўлни беринг.

Бола қўл беришни истамади. Йигитнинг кирра бурнига, семиз юзига, силлик таралган сочига қараб тураверди. Кейин қора ва гулдор галстуги остидаги, костюмини кўтариб турган қорнига эътибор берди.

— Қойингиз ёмон,— деди.

— А? Э... хи, хи, хи! Халиям аразмисиз? Оббо, сиз-эй. Хўп, ширин феълингиз бор-да. Шундай қилиб қўлни бермайман, денг. Хо-зир. Йўлини топамиз.

«Мансуй акаси» илжайди ва бу илжайиши болага таниш эди, унинг серғўшт, лўппи қўлларига қаради: бир нарса беради.

Шундай бўлди, йигит киссасидан пул чикарди. Пул дейиладиган бу нарса — кўк қоғоз эди.

— Мана сизга беш сўм, совға оласиз!

Бола қўлини чўзди ва пулни олди. Шунда «Мансуй акаси» уни кучоғига тортди, юзидан атир анкитиб пешонасидан ўпди.

— Ох, ох, ширин бола! — деди ва астагина сўради. — Дадалари, ойилари уйдадилар?

Бола пулнинг у ёк, бу ёғига қарар эди.

— Уйда ким бор? Ойингиз уйдадилар?

Одатда болалар сўзамол, ҳар нарсани сўрашга, ҳар нарсага жавоб беришга кизикувчан бўладилар. «Кичкина Дамир Амирович» эса одатдан ташқари ичимдан топ эди.

— Пулга қарайверманг, менга қаранг, пул берганга қаранг. Дадангиз, ойингиз ўргатмаяптиларми? Хали боласиз-да, майли ўсасиз, мени кўриб қўл чўзадиган бўласиз.

Бола бир оз юмшади.

— Ойим уйда,— деди.

— Дадамиз-чи?

— М-м-бола бош чайқади.

Йигит ўрнидан турди, боланинг сийрак, қўнғир сочини силаб эркалади ва яшил эшикдан ичкарига кирди. Кенг ҳовли ўралган, ҳовлида гуллар очилиб, помидорлар, олмалар пишиб ётарди. Ўртада сўри, унинг тагида катта қаравот. Димокка ялпиз, райҳон хиди урилади. Яқинда бу ҳовлида тўй бўлиб ўтди. Одамлар саралаб чақирилди. Қизиқувчи қўни-қўшнилари, ўралган тахта оша мўралаб томоша қилишди. Тўйга келтирилган қўйлар, хув томорқа адоғидаги саройни тўлдирди. Ана устма-уст маърашапти. Мансур шу қўйларнинг олтитасини олиб кетишга келди. Қишлоқда, Ражаб тоғаси боқиб беради. Эвазига ўғли бир нарсали бўлади...

— Келдингизми, Мансуржон!

— Келдим, янгажон.

— Марҳамат, қаравотга, Мансуржон!

— Раҳмат, янгажон.

Мансур оғзини тўлдириб «янгажон» дер экан, чиндан қаршисидаги аёл, ўз кўриниши, муомаласи ва назокати билан оғзини тўлдириб айтишга арзир эди. Тўлагина, оппоқкина, қувноқкина. Қўйлаги доим об-ҳавога мос, қўллари... майингина. Мансур шу аёлни кўрди, дегунча... ичида: баҳор яхши фасл, дейди. Сўнг ўз хотинини — озгин, бўйдор Мастурани ўйлаб ўкинади. Бир зум хаёлга берилиб шу ҳовлига, айниқса, шу аёлга эга бўлишни истайди. У билადики, «янгажони», уни ёқтиради, сирлашади. Тортинмай қўлидан ушлайди, гоҳо костюми ёқасини тўғрилаб қўяди, кўзларига... майингина тикилади. Хўш, бунинг ҳаммаси нима?

— Тоғангиз хўп, дедиларми?

— Хўп, дедилар, янгажон.

— Ўғиллари ҳақида гапирдингизми?

— Хурсанд қилдим, янгажон.

Шу пайт улар ёнига бола келди. Ойисига пулни узатди.

— Ким берди?

Бола Мансурни кўрсатди.

— Раҳмат, дедингми?

— Бу мендан араз,— деди Мансур.

— Нимага энди акангдан аразсан, Дамиржон?

Бола хўмрайди.

— Қойни ёмон,— деди. Мансур хо-холаб, аёл бош чайқаб кулди. Бола эслади. Ўша қуни у терлаб-пишиб, оёқ-қўли оғриб ётарди. Нафаси қайтар, кусмоқчи бўлар, кичкина темир қаравотнинг сим тўрлари устида зўрға типирчилар, инграр эди.

Уйга олдин Мансур, кейин оқ халатли киши кирди. У кўркиб кўзларини юммоқчи ёки укол қилдирмайман, деб додламоқчи эди, улгурмади. «Мансуй акаси», йўқ, унинг қорни болага яқинлашиб, қимирлатмай қўйди. Боланинг юзи бужмайди, йиғлади.

— А-а-а... қойни ёмон!

— Бўлди, бўлди,— деди оқ халатли киши.

Кейин укол оғриғи унутилди, ammo бола, Мансурнинг ёмон корнини унутолмади.

— Бу аразчи, кекчи бўлади,— деди Мансур.

— Ха, феъли дадасига ўхшайди.

— Шуниси яхши. Аразчи, кекчи бўлмасангиз, хозир бир нарса ундиролмайсиз. Қўлингиздаги ходим буни билса, сиз билан ҳисоблашади.

— Мен унақа эмасман-ку.

— Сиз... сиз, янгажон, шунақа яхшисизки, сиз оркали у киши билан тил топишамиз. Ў, агар сиз ҳам у кишидақа... яъни кекчи бўлсангиз, биз фақат йиғлаб ўтамиз. Ражаб тоғамиз ҳам ўғлига бошқа, бегона жойдан иш сўрайди. Бахтимизга сиз яхшисиз. Раҳмат, янгажон.

— Сизлар бор, биз бор.

— Йўқ, янгажон. Сизлар бор, биз бор.

— Одамдан иззат, ҳурмат қолади. Олди-берди қолади. Шукр бахтли, тўкин яшайпмиз.

— Хаммаси олди-бердининг шарофати.

— Айтганча, уч оёкли велосипед нима бўлди?

Мансур болага илжайиб қаради.

— Магазинчи эртага опкелади.

— Яхшисидан, дедингизми?

— Чиройлисидан, ўтирадиган жойи юмшоғидан, дедим. Топади, кичкина Дамир Амировичга, дедим.

— Ана, ана,— аёл ўғлига энгашди.— Энди ака билан яраш. Сиз яхшисиз, дегин. Қани, қани, айтақол. Эртага велосипед минасан.— Бола «Мансуй акаси»га қаради.

— М-м... яхшисиз! — деди.

Мансур уни даст кўтарди, пешонасидан ўпди. Аёл бағрига босди.

## ТОЙЛОК ҚАНДАЙ АҚЛЛИ БЎЛДИ?

Тойлок бирдан ақлли бола бўлиб қолди. У илгари ҳам нодон эмасди. Фарқи шундаки, Тойлок ақллилигини, ҳатто муаллими — Садр Назаровдан ҳам ақллилигини билмасди. Болалардаги бу ҳол ҳамиша ўткинчи. Сабаби, болаларнинг ёнида мудом катталар бўлади, катталар эса сергап бўлади — бир-бирини ё мактайди, ё каттик камситади. Бундан болалар ўзларига керакли нарсаларни олади. Ишқилиб бировлар устидан ўйлаб-ўйламай ҳукм чиқаришга уста бўлган катталар кўп яшасин. Бу жиҳатдан Тойлоққа маза. Унинг отаси ҳам, опаси ҳам, шундоқ бош буриб дарчадан қарашади-да, йўлдан ўтган ҳар қандай одамнинг аҳмоқ ёки ақллилигини кийналмай айтиб беришади. Тойлоқдаги ақл куртақларининг вақтидан эрта япроқ ёзишига эҳтимол сабаб шудир. Ҳарқалай Тойлоқ ақлли бўлиб қолди. Ўша куни гўё Тойлоқ боланинг омадига ёмғир эзиб ёғди, кишлоқ осмонини булут қоплади, шўрлаб ётган ер чилп-чилп лойга айланди. Йўлларда кўлмақлар пайдо бўлди, ҳовлилар хувиллаб одамлар уй-уйига кириб кетди. Том бўғотидаги чумчуқлар чиркиллаб-чиркиллаб жимиб қолишди.

— Ана ёмғир! — деди яқинда беш боласи билан эридан ажраб келган опаси Хадича негадир қувониб. Ҳеч нарса тушунмаса-да, Тойлоқ ҳам кўшилиб илжайди. Сўнг у яхши кўриниш учунми опасининг кўкрагига тармашиб олган чакалоққа энгашиб:

— Ли-лу-ли-лу! — деб кулдирмоқчи бўлди. Опасининг устидан кир совуннинг ва яна захнинг хиди келар эди.

— Ана ёмғир! — такрорлади опаси, чўзинчоқ сарғиш юзида, кулранг кўзларида айёрона кулгу акс этди.

— Ёғди ёмғир, — деб бош чайқади отаси.

— Ўлсин энди, — деди Хадича, — кеча Қобил акага, мени шаҳарга оппаринг десам, хурматим ўзимга керак, деди, машинасини кизганди. Ўлсин энди, машинаси юрмайди, бу лой қачон қурийди.

— Ҳм... — деди отаси кўнғир соқолини каттик тутамлаб, кўзлари қисилди. — Қобил найман бўлсаям куллар тўпидан. Паст табақа. Бурун тоғда, булардан биров киз олмаган, буларга биров киз бермаган. Елка қисиб эзи-

либ юришарди. Чўлда... хм... барибир куллигига боради. Йўк, минма машинасига.

— Хе-е, минмайман, ялинсаям минмайман.

Бирпас жим қолишди. Тойлок ҳали ақлли бўлганича йўк эди. Ёмғир ҳамон эзиб ёғарди.

— Э, э...— деди Хадича ковок солиб ва юзини ойнага яқинлаштириб ташқарига тикилди. Афти бужмайиб отасига ўгирилди.— Уни қаранг, ота.

— Ким?

— Ҳалима.

— Қайси Ҳалима?

— Садр муаллимнинг хотини.

— Нима кипти?

— Қаранг-да.

Чол болишга тиралган елкасини кўтариб деразадан қаради, отасига ёнбошлаб Тойлок ҳам қаради: отасининг чопониданми, соқолиданми нос хиди келар эди. Ташқарида, канал устида, лой йўлда муаллим Садр Назаровнинг хотини Ҳалима сақич чайнаётгандек бемалол кетар, олдида ўғли Хошим халқоблардан сакраб ўтиб ўйнаб борарди. Баҳор ёмғирига, совқотишига парво қилмай костюм ва кўйлак тугмаларини ечиб қорнини яланғочлаб олганди.

Чол туюқди.

— У аҳмоқнинг эси борми ўзи? Шундай ёмғирда лой кечиб юрибди. Шундай ёмғирда бола етаклаганига нима дейсан. Қаёқдан келаётибди? Хадича керилиб кўйди.

— Магазиндан. Қаранг ота, сира муаллимнинг хотинига ўхшамайди. Номус қиласан киши. Ҳар ҳолда уруғимиз.

— Аҳмоқ! — тақоррлади чол.— Асли эри Садр аҳмоқ.

Тойлок отасига ялт этиб қаради ва... бирдан ақлли бўлиб қолди. Ичида тақоррлади: Садр аҳмоқ. Муаллим аҳмоқ.

У хушнуд тиржайди. Отаси муҳим гапни айтди. Энди у муаллимдан ҳайиқмайди, чунки отаси айтган: аҳмоқлардан ҳайиқмаса бўлади. У яна хушнуд тақоррлади: муаллим аҳмоқ.

Отаси эски, аммо янада муҳимроқ гапни айтди.

— Бизнинг отамиз бой ўтган. Садрнинг отаси Назар бизга хизматкор эди. Оғилхонамизда ётар эди. Бола наслига тортади-да, қара, неварасининг қорни яланғоч.

— Ўлсин Ҳалима,— деди Хадича,— кўйлақка тугма қадашни билмайди. Тарбияси, хунари йўқ.

Чол кўзларини юмди. Ўтмиш хаёлига берилди. Хўрсинди.

— Э, у вақтларда кўй, сигирларимиз кўп эди. Бутун найманни боқардик. Шу Назарлар биздан қолган сарқитлар билан одам бўлди. Энди замон ўзгариб бизни назар-писанд қилмай кўйди.

— Писанд қилмай ким бўпти! — аччиқланди Хадича.— Мен ўзим унақаларнинг ўнтасини қарғаб ташлайман. Эримга ўхшатиб олдимга солиб ҳайдайман.

Чол ўқинч билан шивирлади.

— Аҳмоқларга қун чикди... Кўрасан, шу қорни яланғоч бола Тойлоққа бошлиқ бўлади.

— Тойлоқжон ақлли,— деди Хадича унинг ингичка бўйнини силаб.— Садр муаллимдан кўркмайди.

Тойлок икки лунжини шишириб, қошларини кериб турди-да:

— Ҳа, кўркмайман,— деди ва тезроқ Садр муаллимни кўришни, болалар ўртасида тилини чиқариб масҳара қилишни истади.

Эртаси куни у, муаллим Садр Назаровга караб устма-уст тиржайди.

— Нега тиржаясан? Нимани кўрдинг?

— Тиржаймадим! — дадил гап қайтарди Тойлок.

— Тур ўрнингдан.

— Бақирманг. Отамга айтаман.

Муаллим унга сенга нима бўлди, дегандек тикилган эди, Тойлок ўша тиржайишда бардам қадамлар ташлаб синфдан чиқиб кетди.

Тойлоқнинг бу ўзбошимчалиги уйдагилар таъсиридаги илк «муस्ताқиллиги» эди. У уйга келиб сумкасини бурчакка ирғитди. Ирғитгани етмагандек бориб сумкани тепди.

— Бошқа ўқимайман, — деди.

— Садр урдими? — аччиқланди Хадича.

— Урди...

— Сени-я?!

— Хм-м... — бурнини тортди Тойлок.

— Хой, ота! — жонҳолатда отасини уйғота бошлади Хадича. — Туринг, туринг. Анови Садр муаллим Тойлоқни уриб, ичини эзиб юборипти. Бола бечора қон қусяпти.

— Нима, нима?! — чол каттиқ пишқирди.

Хадича ўз-ўзидан чинқириб юборди.

— Э, мактабингнинг падарига лаънат! — уйдан туриб сўка бошлади чол. — Аҳмоқ, паст табақа, чорикорнинг боласи.

— Хотини бефаросат! — кўшилди Хадича.

Тойлок гердайиб турар, муаллимни боплаш ниятида, кечқурун мактабинг деразасини синдиришни ўйлар эди. Ўзининг муаллимдан ақлли эканига ишона бошлаган эди.

Бекорчилик, ғийбат, ўзгалар бахтига ҳасад ва яна бошқа кўп ички нарсалар аралаш-куралаш бўлиб Хадичадаги жаҳолатни бор кучи билан кўзғатиб юборди. У енгини шимариб ўрнидан турди.

— Бориб мактабида бир тўполон кўрсатай! — деди, — Садрни бир расво қилай...

Тойлок тиржайди.



## БОЛА, ГИРДОБ ВА ОЛАПАР

Воҳид арик бўйида чап оёғини сувга тикиб ўтирар, кўприк остидаги гирдобдан кўз узмасди. Сув юзида кичкина чуқурча пириллаб айланар эди.

Нега бунақа? Нега фақат кўприк остида чуқурча пириллаб айланади?

Воҳид иягини кўтариб, қизиқиш тўла кўзлари билан сувга қаради. Сувнинг юқори қисмига офтоб тушиб турар, сокин, ёйилиб оқар эди. Оқиб келаётган шамак ўти чуқурчага яқинлашди. Чуқурча атрофида икки-уч айланди, сўнг чуқурчанинг ўртасига тушди ва ютилиб кетди.

Воҳид ирғиб турди, кўприк устига чикди. У шамак ўтининг анча нардан сув юзига отилиб чиқишини пойлаб турарди. Ана, шамак ўти отилиб чикди, тўлқин зарбидан қирғоққа сурилди. Чодир бўлиб турган қамишлар орасига кириб қалқиб қолди.

Бунинг нимасидир қизик, нимасидир сирли, нимасидир ажабланарли эди.

Воҳид бош қотириб ўтирмади. Одатдаги бекорчиларга хос керишиб эснади-да, сувни ҳам, гирдобни ҳам унутди. Тик келган офтоб елкасини киздирди. У эринибгина изига қайтди.

Отаси дарахтлар орасида, тахта каравотда чўзилиб ётиб уйқуни урар, боши узра чивинлар галаси учар эди.

Воҳид каравотга яқинлашди.

Отаси лабини тез-тез кимтир, уйқуда бўлишига қарамай, чивинларни лаби билан ҳайдашга уринар эди.

Воҳид мийиғида кулиб қўйди. Сўнг тапиллатиб чивин ўлдира бошлади.

Отасининг қорни қимирлади, оқ кўйлагининг этаги хийла кўтарилди ва «пушф» деган овоз, йўқ, нафас чикди.

Воҳид отасининг қирра бурнига қаради, бурун тагидаги бурама, сарик мўйловининг туклари сезилар-сезилмас титрарди. Йўғон, қизил бўйни терлаган эди. Бирдан сийрак киприкли юмук кўзлари очилди.

— Хинг,— деди лоқайд товушда. Қорнини сал баландрок кўтарди-да, бир ёнбош бўлиб ётди.

Атроф жимжит. Қуёш дарахтсиз жойларни аёвсиз киздирар, очик жойдаги ўтларни сарғайтириб юборган эди. Шамол йўқ, ҳаво дим.

Ок товук калласини чайкай-чайкай ховлини кесиб ўтди. Оғилхона ёнидаги томчада ётган Олапар хадеб ғингшийди, шакирлатиб занжирини тишлайди, кип-кизил тилини осилтириб томчадан чиқади-да, ерни тимда-лайди.

«Иссикка чидай олмаяпти,— ўйлади Воҳид,— бечора Олапар».

Воҳид Олапарни чўмилтирмоқчи бўлди, ammo отасининг сезиб қолишини ўйлаб кўрқди. У Олапарга ачиниб қараб турарди. Шундай яхши итнинг бир йилдан буён занжирдан бўшамаслигини ўйлаб юраги ачиди. Бундан икки йил олдин улар учта эди: Воҳид, ит ва эшак.

Отаси эшакка тўқим уриб берар, опаси кўнғир, бахмал костюмининг чуқур киссасини бодроққа тўлдирар, Воҳид эса Олапарни эргаштириб, кўйларни олдига солиб йўлга тушарди.

У далани, даладаги қушларни, ҳар хил ўтларни севиб қолди.

Шундай кунларнинг бирида Олапар нималарга кодир эканлигини, қис-қаси, сезгир ва кучли ит эканлигини кўрсатди. Бута орасидан сапчиб чиққан тулкини кува кетди. Воҳид роса қийқирди, ит ва тулки кўринмай қолган эди, эшакнинг устида тик турди. Бари бир на итни, на тулкини кўрмади. Олапардан ярим соатча дарак бўлмади.

Воҳид эшакнинг устида тик турганича:

— Гид, гид, гид, Олапар! — деб кичқирди. Такрор, такрор кичқирди.

Шунда Воҳид картанинг адоғидаги зовур дўнгига югуриб чиққан Олапарни кўриб қолди. Ит гоҳ дўнгга чиқар, гоҳ пастга тушарди. Дўнгга чикиб ҳураётганга ўхшади. Воҳид эшагини йўрғалатди. Олапар тулкини бўғиб ўлдирган эди.

Ўша куни отаси Воҳидни кўркмасликда мактади, Олапарга эса бир парча гўшт берди. Тулкининг териси ўн сўм туради, деди. Шундан кейин Олапарнинг овчи ит эканлиги тилга тушди. Бу гап оғиздан-оғизга ўтиб, раиснинг қулоғига етибди. Раис итга харидор бўлди, бир куни атайлаб келди. Воҳид бир чеккада мунғайиб турарди.

— Шу итни бизга берасиз,— деди раис,— мен сизга, Носирвой, бирор яхшилик қиларман...

Отаси бир оз ўйланди.

— Ҳар кимда ҳар нарсага ишқибозлик бўлар экан,— деб қулди раис,— биров бедана, биров хўроз уриштиради. Мен ит уриштиришга ишқибозман.

— Бир оғиз гапингиз,— деди отаси.

— Йўқ, демаслигингизни билардим, Носирвой.

— Сизга йўқ, деб бўладими, раис бува.

— Бу ўғилчангиз мунғайиб турибди,— деб Воҳидни кўрсатди раис.— Итнинг кичик эгаси нима дер экан?

— Э, ўзингиз биласиз-ку, бола халқи қизғанчиқ бўлади, уни қўяверинг.

Раис итга яқинлашди. Олапар олдинга чўзилган оёқлари ўртасига тумшугини кўйиб жимгина ётар, ўзига яқинлашган одамнинг хурматли харидор эканлигидан беҳабар эди.

— Катта ит экан,— деди раис.— Шундай катта итни бир қассобда кўрганман.

— Бу ит асли тоғдан. Кучуклиғида олиб келганман. Куёвимиз тоғда йилқи боқади. Итлари сара.

— Ҳа-а.

— Куёвимиз ҳам икки-уч қайта, Олапарни ўзимга беринг, чўлда бунақа ит асраш шарт эмас, тоғда Олапарнинг вазифалари бор, деганди. Бермай юрвдим.

— Чўпонлар топа-ади.

— Ит кўпу сирлони оз-да.

— Бу сирлон итми?

— Сирлонда!

— Ү-ў!

— Сирлон ит бор ховлига ёмонлик йўламас экан.

Раис калта бўйли, боши тақир, юзи ялтираб турадиган, кўзлари аланг-жаланг боқувчи киши эди. Олапарга ҳам аланг-жаланг боқди.

Олапар бошда жим турди.

— Қопга соламиз,— деди раис,— копдан бошини чиқариб қўямиз. «Виллис»нинг орқасида кетаверади.

— Воҳид, бор, уйдан ола қопни олиб чик.

Олапарнинг юнги бирдан хурпайди. Аста-аста орқасига тисарилди.

Раис:

— Маҳ-маҳ,— деган эди, Олапар кутилмаганда раиснинг узатилган кўлини ғарчча тишлаб олди.

Раис войвойлаб қолди.

Олапар кўздан ғойиб бўлди...

Ўшанда ит-бир ҳафта уйга келмади. Ҳафта ўтиб қолди. Олапар-Олапарга ўхшамасди. Юнгини кир босган, корни қапишиб турар, кўзларидан ёши қуйиларди. Олапар ўлар бир ҳолатда эди.

Отаси раиснинг хурматига итни отиб ташламоқчи бўлди, нимагадир бу олий жазодан қайтди. Ўлим ҳукмини бир умрлик занжирбандликка ал-маштирди.

Мана, занжирбандликнинг бир йили ўтди. Отаси ҳамон ўз ҳукмида қатъий. Баъзи-баъзидагина мужмал қилиб, «Раис бўшаса бир гап бўлар», дейди.

Воҳид ўша тақир бошли, бўйни калта, кўзлари аланг-жаланг боқувчи раиснинг ишдан бўшашини бетоқат кутади...

Олапар занжирини тишлаб, ерни тимдаларди.

Отаси бошини бир қарич кўтарди-да:

— Нима қилиб ўтирибсан, Воҳид? — деб сўради уйқули товушда.— Тушда бирпас ухлаб олсанг бўлмайдимми?

Воҳид индамади, «чирт» этказиб тупурди-да, қаравотда осилиб турган оёқларини ликиллата бошлади.

Отаси икки кўзини ҳам катта очди, киприк қокмай нимжон, аммо инжик ва ўжар ўғлига тикилди.

— Эй!

Воҳид кулоғига қўнган чивинни ҳайдаб отасига ўғирилди.

— Уйқум келмаяпти.

Отаси унинг қия қошларига, ўй тўла маъсум кўзларига, тўр тушган юзига, ингичка бўйнига қаради, қараб туриб жаҳли чикди.

— Бор, ўзингни зўрлаб ухла. Ёз келди, дегунча, овқат тегмаган ташландик боладек озиб кетасан. Қўп чўмиласан. Юзингни қара, тўрлаб кетибди.

— Ухлай олмайман, ота...

— Кўзингни юмсанг ухлайсан-да. Бунақа лаллайиб ўтирсанг уйқу келадими?!

Воҳид ўрнидан кўзғалди.

У бўйнини чўзиб оқариб турган мактабга қаради. Мактаб ҳам жимжит. Ҳамма таътилда. Нимагадир ёзда мактаб ҳам зерикарли бўлиб қолади, иш эса қизиқ кетади. Ёшу қари далага шошилади.

Воҳиднинг отаси пухта одам, ўзига муносиб иш топган, мироб. Тагида оти бор, канални бир ёқалаб келади-да, томорка оралайди. Тушда уйқуни қанда қилмайди. Воҳидни ҳам далага — пахта ишига юбормайди. Бригадир ва ўқитувчига: «Исикда бурни қонайди, ичида дарди бор, аҳволи чаток»,— деб қўйган.

Воҳид эса бурни конайдиган бола эмас. У тенгдошларини кўмсайди, ёлғизлик ҳисси ёш юрагини аёвсиз эзади, нима қилишини билмай қолади.

Воҳид соядан офтобга чикди. Ер иссиқ эди, оёғига шўр ёпишди, қандайдир ачитди. У бурнини жийириб ўнг оёғини шартта кўтариб олди. Оёғи тагида сарик кумурскалар қарвони, олис сафарга отлангандек, саф тортиб кетишарди. Воҳид бунга диққат қилди, кумурскаларнинг изидан илгарилари. Очкўз кумурскалар қарвони тўғри дераза тагидаги тошлар орасига кириб кетишарди. Воҳид анграйиб туриб қолди. У энди тушунди: дастурхонда нега кумурскалар ўрмалаб юради деса, мана, гап қаёқда экан!

У шошилиб уйга кирди. Ундаги лоқайдлик, зеркиш туйғуси йўқолган, чехраси ёришиб, тобора чакконлиги ортиб борарди.

Онаси ним қоронғи уйда юзига доқа ёпиб ухлар, гўдак укаси онасининг кўкрагида эмас, қорнида ётарди. Бурчакда иккита сингилчаси бир-бирининг қорнига оёқ ошириб ухларди. Уйнинг ҳавоси дим, ёқимсиз эди. Воҳиднинг нафаси қайтди. Ўз ўрнига бўш қаравотга қаради. Шундай дим ҳавода ухлаб бўладими?

Онаси шарпани сездими, қимирлади.

— Ҳа, нимага қакқайиб турибсан? Ухласанг бўлмайдими?

— Кумурсқа келяпти.

Уйқудаги аёл учун бу гап жуда хунук эшитилди. Воҳидни жеркиб берди.

— Ухласанг-чи! То отанг сўкмагунча лақиллаб юраверасанми?!

Шундай деб онаси қорнидаги гўдакни кўкрагига тортди ва Воҳидга бошқа эътибор бермади. Воҳид безовта эди. Нимадир, янги нарсалар қилгиси келарди.

Ниҳоят, бир фикрга келди, кумурскалар инига керосин қуйиш керак. Ҳаммаси қилилиб ўлсин. Шунда дастурхонда, нон орасида юрмайди. Туш чоғида буни бажариш шубҳасиз қатта иш. У ўзини чаккон сезди, икки ёнида шалвираб турган қўллари ҳавога кўтарилди. У дастлаб керосин бакни олиб чиқмоқчи бўлди, кейин бу фикрдан қайтди. Онасими — отасими уйғониб қолишса, жерқади.

Ҳозир унинг акли тиник ишларди. Лоп этиб миясига кеча отаси дарчадан ирғитиб юборган арок шишаси келди. Зумда уй ортига ўтди, калин шўралар орасидан шишани олди ва беихтиёр хидлаб кўрди. Димоғига отаси ичиб терлаганда анқийдиган хид урилди.

Илгари отаси жуда кўп ичарди, қорнини яланғочлаб ётар, аллақимларни роса сўкарди. Бир куни Воҳидни қаравотдан бўш шиша сингари ирғитиб юборди. Ушанда Воҳид кўрканидан қотиб қолди. Буни кўриб отаси: «Ў, бизнинг ўғил мард, йиғламади»,— деди. Воҳид шуларни ўйлар экан, отаси сари қараб қўйди.

Яхши, ҳозир отаси кам ичади. Шундаям ё раис, ё бўлим бошлиғи, ё миробларнинг бошлиғи келса. Уларнинг олдида ичмаса бўлмас эмиш... Кейин уч-тўрт кун қорнини чангаллаб, томоғидан овқат ўтмай юради.

Воҳид уйга кирди. Керосин бак устидаги миҳдан қоронгани олди. Шу пайт кўкқисдан онаси чиқиб қолди.

— Нима қиялсан? — деди.

— Керосин оламан.

— Ҳа-а! Бирон жойга ўт қўймоқчимисан?!

— Кумурсқа ўлдираман.

— Қир уйга, ухла.

— Ухламайман.

— Ухламайсанми? — онаси ташқарига бўйинини чўзиб,— отаси,— деб қичқирди. — Манави қулоқсизингизни қаранг, уйга ўт қўймоқчи.

Воҳиднинг қўлидан шиша тушиб кетди. Онасининг ёлғон гапириши уни қаттиқ хафа қилди.

— Отангдан кўркасан-а? — деб кулди онаси.— Кўркмаям кўр-чи! Яхшиям отанг бор, тинч юрасан.

Кўрқоклиги устидан онасининг кулиши Воҳидда аста-аста уйғонаётган янги, исёнкор туйғуларни жонлантирди. У дунёга келгандан бери илк бор:

— Отамдан кўркмайман,— деди.

— Кўркмайсанми? — деб мазахли сўради онаси.

— Йўк! — кескин жавоб берди Воҳид.

— Ҳозир кўрамиз...— Онаси эшикка чикди. Бориб эрини уйғотди.— Воҳидингизни қаранг, ухла десам, уйга ўт кўяман, дейди. Арок ичгиси кепти, шиша кўтариб юрипти. Сиздан кўркмас эмиш. Туринг, уйга камаб кўйинг, бир таъзирини есин. Кейинги вақтда ўзбошимча бўлиб, тили чикиб колди.

Носирвойнинг феъли маълум, тили ва қўли баравар кичиб туради. Сўкиш ва шапалок тортиш учун баҳона керак, холос.

— Эй Воҳид, бери ке!

Воҳид кошлари тушиб, оғир кадам ташлаб борди. Ҳозир ё шапалок ейди, ё сўкиш эшитади. Бу аниқ эди, шунинг учун Воҳид кўркиб ўтирмади. Яқинлашиб отасига тик қаради. Отаси белигача кўтарилди, мўйловини буради, ўғлига каттик тикилди. Мўйлов бураётган кўли иягига, сўнг кўкрагига, сўнг ёнига тушди. Оғзи очилиб колди.

— Ў! — деди ниҳоят ва хотинига юзланди.

Онаси хайрон эди.

Дарҳақиқат Воҳиднинг кўзларида ўт бор эди.

\* \* \*

Отасининг тан олиши: ё шапалок тортиши, ё сўкиши аниқ бўлиб турганда оғзини очиб қолиши Воҳиднинг ўзини ажаблантирди.

Унинг ёш қалбидаги безовталиқ босилиш ўрнига баттар кучайди.

Отаси қайта уйқуга кирди. Онаси «хм», деди-да, уйга кириб кетди.

Воҳид яна ёлғиз колди.

Оқ товук калласини чайқай-чайқай ҳовлини кесиб ўтди. Олапар хадеб ғингшийди, шақирлатиб занжирини тишлайди, кип-кизил тилини осилтириб ерни тимдалайди.

Воҳид аста юрса отаси ушлаб қоладигандек, Олапарнинг олдига чопиб борди. Итга энгашди. Олапар ғиншиди, унга осилди. Ит йиғлар эди...

Воҳид Олапарни занжирдан бўшатди. Бирдан кўнгли ёришиб кетди. Итни сакрайди, чопади, қувонади, деб ўйлади. Аммо Олапар жойидан жилмас, чамаси бўшаганига ишонмас эди.

— Маҳ, маҳ! — деди Воҳид ва арик томонга югурди. Шунда Олапар олға отилди.

— Чўмил, чўмил! — деди Воҳид, қувончи ичига сиғмай.— Мен сени озод қилдим, Олапар, Энди озодсан! Энди озодсан!

Олапар сувга тушди, сувни шалолатиб сузди. Итнинг қувончи чексиздек эди.

Олапар гирдобни парча-парча қилиб сувда сузар экан, Воҳиднинг ҳам қувончи чексиз эди. Унда ногаҳон тийиб бўлмас бир истак уйғонди: Олапарни эргаштириб олис-олисларга сафар қилгиси келди. Айни чокда хаёлида ўзи ва Олапар олис-олисларга, сирли бир дунёга кетиб борарди.

## АРАВАКАШНИНГ ҚЎШИҒИ

### Қисса

#### I

Чол сершоҳ дарахтнинг соясида кетмон эговлаб ўтирибди. Япроқлар орасидан тўкилган тонг шуъласи оппок, узун соқолини товлантиради. Шамол ерда ётган оқ яктагининг этагини тортқилайди, очик кўкрагини сийпалаб, тўнғич кизининг шўх ўғлидек атрофида гир-гир айланади.

Чол бепарво, ўз иши билан овора.

Дераза олдида турган бўйи пастак, ҳали сочларига оқ ораламаган, кўринишидан соғлом аёл — озғин, новча, қорақош йигитга бир нарсалар деди.

Йигит қўл учида чолни кўрсатди, бошини хийла эгиб нималарнидир тунтирдди.

Йигитнинг юз киёфаси, айнан аёлнинг киёфасига ўхшайди: юзлари чўзинчок, бурни ясси, кўзлари чуқур ва жозибали.

Жуссаси эса чолга тортган: агар тўлишса кенг елкали, кўкраги баланд одам бўлади. Ҳозирги туришида у алланечук сирли ва муғомбир кўринади...

Чол бошини ўннга буриб, тилининг остидаги носини туфлади, сўнг тилини кемшик тишлари орасида ўйнатиб ўрнидан турди.

Чол ўрнидан кўзғалаётганида суяклари қисирлаб кетди. Манглайи тарафга тортилиб, юзига қон тепди. Бу тиззалаб узок ўтириб қолганликнинг аломати эди.

Кетмоннинг эговланган тиғи қуёшда ялтиради, чол бунга эътибор берди. Дарҳол сопини бир-икки айлантирди-да, энгашиб кетмон тиғини синаб кўриш учун, аста-аста ажриққа уриб кўрди, ўз ишидан кўнгли жойига тушиб, томорка сари юрди.

Отасининг хатти-ҳаракатини кузатиб турган навқирон ўғил, серсоч бошини очик деразадан чиқариб:

— Ҳа, томорқага кетди! — деди. Сўнг қаддини тиклаб онасига илжайди. — Энди чўзинг пулдан.



Аёл ўғлига ажиб бир меҳр ва сирдошлик билан қараб пул узатди.

— Отанг илло-билло билмасин!

— Билганда-чи!? — деди Абдукарим.— Мен шаҳарга зарур иш туфайли тушаяпман. Ўртоқлар учрашамиз...

Аёлнинг табиатида оз-моз хасислик бор эди, ўғлининг «ўртоқлар» дейиши кўзига бир талай йигит бўлиб кўринди. Ўша йигитлар Абдукаримни ўртага олиб қок чўнтак қилиб жўнатадигандек туюлди. Илкис бош силкиб, бир оз кайғуриб, аммо эҳтиёткор товушда:

— Хи-и, ўша ўртоқларинг...— деди,— сени қок чўнтак қилиб жўнатмаса. Абдукарим қовок солди.

— Пул деса ўласизлар! Берган пулингиз нима бу? Ўртоқларимга миллион сўм сарфласам арзийди. Улар катта-катта мансабдаги кишиларнинг фарзандлари. Ҳаммаси ўсадиган йигитлар! Мен-чи? Мен кимнинг ўғлиман? Эртага мени суяйдиган кишим борми? Сиз шу ўттиз сўм пулни гапирасиз.

Аёл жим бўлиб қолди. Ўғли ҳақ эди. Ростдан уни суяйдиган ким бор? — Чол — оддий бир чол. Уй одами холос. На мансаб, на дунё эгаси. Чол дунё йиғмай, қўли очик яшади. Мана энди ўша дунё жуда-жуда керак бўлиб турибди.

Аёл ўғлининг ўтқир, шиддатли акли олдида бош эгди, меҳри товланиб, яна ўн сўм узатди.

— Бу бошқа гап! — деди Абдукарим,— отам мени сўраса, шаҳарда зарур иши бор экан дейсиз. Қанақа зарур иш деса, битта катта бошлиғи чакирибди дейсиз. Ўзингиздан бошқа гап кўшманг.

— Хўп, хўп, болажонларим!

Абдукарим ясаниб шаҳарга кетди.

\* \* \*

Чол дўнг пешонаси терлаб, гуллаган қовун палаклари атрофини чопар, эшитилар-эшитилмас куйлар эди.

Кўп қадимдир бу дунё, болангга қолар,  
Боланг, бир кун эр етиб, ишингни олар.  
Умринг ўтиб боради, сўра юртингдан.  
Ёмон сўзлар бўлмасин, ўлсанг ортингдан.  
Инсон дегани асло хатосиз ўтмас,  
Виждондаги гуноҳлар яраси битмас...

Чол тебраниб-тебраниб кўярди. Гўё хаёлида еллари оппоқ, пешонаси кашка, тарғил от устида ўтирар, тоғ бағридаги ёлғизоёқ йўлда қалин арчалар остида борарди. ҳаво муздай ва сокин эди. Тоғ қушлари чуғур-чуғур сайрар, лолалар чўғдай ёниб, шаршара шовуллар эди.

Шунда сойдаги кишлоқдан бир қиз кўза кўтариб чиқади, охудай хуркиб аста-аста булоқ бошига боради. У ёқ-бу ёққа аланглаб қарайди, бошидаги рўмолини қўлига олади, қизнинг жамолидан тоғ шуълаланади.

Улар булоқ бошида учрашарди. Бу хотира чолнинг ҳам армони, ҳам қўшиғи бўлиб қолди.

Кўп қадимдир бу дунё, болангга қолар,  
Боланг бир кун эр етиб, ишингни олар...

Уйдан чиққан аёл ҳовлида юрган қўшнининг товукларини «кишт», «кишт-лаб» қувлайман деб ҳансираб қолди. Қўшни хотин билан бошлаб уришмоқчи бўлдию, гўшт йўғида тухум сўрашини ўйлаб бу шаштидан қайтди.

Ҳовлида сочилиб ётган ҳазонларга кўзи тушиб, дарахт шохига қистирилган чўлтоқ супургини қўлига олди. Бироқ ҳовлини супиришга эринди,



кечгача бир гап бўлар, деб кўйди. Шу тобда бу аёлнинг бирор иш қилишга тирноқча ҳафсаласи йўқ эди. Еши ўтган сари бепарво ва дангаса бўлиб қолган аёл ҳозирги кунда ғирт бекорчи эди. Бирор жойда тўртта-бешта хотин йиғилиб уни-буни қоралашини ёки оқлашини жон-жон деб истаб турарди. Тўқликдан чиққан бекорчилик иллоти аёлнинг руҳини ҳам буза бошлаган эди.

Оғилхона томонда очликдан зорланиб бузук маъради.

Аёл тик кўтарилаётган куёшга қаради: илгари бу вақтда бузқни икки марта арқонлаган бўларди. Ҳозир эса «кейинроқ» деб шошилмасди. Бирдан аёлнинг хаёлига ёқимли бир фикр келди. Яқин орада келин кўрса — ҳовлидаги ишларнинг ҳаммасини келинга топширади. Нон ёпишдан, ҳовли сунуришдан, сигир соғишдан, бузук арқонлашдан, хуллас, бари, баридан кутуларди. Аёл битта иш қилади — неварани эркалатиш. Шунинг учун келинчаққа тезроқ туға қол, дейди, шоширади.

Келин бўлса тайёр — Ҳошим кўсанинг қизи Ҳикоят. Ҳикоят полвон қиз. Бригадада илғор чопикчи. Қўллари кадоқ, ўмови кенг, мўмин-қобил қиз. Сен ўн гапирсанг, у бир марта гапиради. Унинг мана шу феъли — қатгани-қатга деб, кичикни-кичик деб ҳурмат қилиши, бўлажак қайнонанинг кўнглини тўлдирди.

Ёқимтой ўйлар бирпасда аёлни бахтли қилди-қўйди.

\* \* \*

Чол кетмонни ерга «гуп», «гуп» урар, қурук ва ҳўл тупроқ бир-бирига аралашиб ёввойи ўтларнинг оппоқ илдизлари ер бетига чиқиб қолар эди.

Аёл жўяк четига ўтирди.

— Ха,— деди чол.

— Ўзим.

— Бекормисан?

Аёл ўрнидан турди.

— Бекор одамни худо кўтарсин! Бир нимага келувдим, хах, эсимдан чиқариб юбордингиз, бирам кўполсизки!

Чол бароқ қошларини чимириб, кадрдон ва меҳрибон нигоҳ билан аёлга қараб, йўғон, аммо самимий овозда:

— Аччиғинг чиқмасин, онаси! — деди,— оқшомига юрагим сиқяпти, деб инқиллаб чиқасан. Кундузига бекор юрасан. Тобора семириб боряпсан... Бу хавфли... Юрагингни дард эмас, ёғ қисяпти, деб кўркаман.

Ҳақиқатан ҳам кенг кўйлақ аёлнинг бўлик баданига ёпишиб турар, ҳаво унчалик иссиқ бўлмаса-да, пучук бурнининг усти, манглайдаги тиришлар реза-реза тер билан қопланган эди.

Чолнинг ҳам манглайи терлаган, аммо бу терлар дона-дона бўлиб, соғлом кишидаги меҳнат терлари эди. Аёл шўрқиллатиб бурнини тортди, худди сақич чайнаётгандек лабларини чапиллатиб, муносиб бир гап топиш учун ўртадаги жимликни чўзди.

— Ёнимда озроқ ишла,— деди чол,— мана кўрасан, кундан-кунга енгил тортасан.

Аёлнинг бурни тиришди.

— Мени шунча йил ишлатиб хумордан чиқмадингизми? Энди кизим бўй етиб оилали бўлганда, ўғлим эр етиб ана-мана уйланаман деб турганда кетмон кўтарайми? Эс борми ўзи сизда? Мени элга шарманда қилмоқчимисиз? Анови вайсақи Ҳалима кампирни устимдан қулдирмоқчимисиз?!

— Меҳнатнинг айби йўқ! — деди чол ва ўтириб нос чекди.

Аёл аччиқланиб кетаётган эди, чол сўраб қолди:

— Ўғлинг қани?

Аёл бу саволни кутмаганидан дудуқланди...

— Хи-и... Гулистондаги каттаси чакирибди, зарур иши бор экан.

Аёл тўхтаса ўзидан бирор гап қўшиб қўйишини англаб, маъраган бузокни қарғади-да, ўша ёққа юрди.

Чол тиззасига тиралиб ўтирганча, ўғли хусусида ўйлар эди. Гап бирорта катта билан учрашишда эмас, зарур ишни бажаришда. Зарур ишларсиз, инсоннинг ҳаёти сонга қирмайди. Агар Абдукарим ҳозирдан зарур ишларнинг қимматини англаса, оқни қорадан ажратиб зарур ишларни бажариб юрса, чол бу дунёдан армонсиз кетар эдику-я.

Аммо бунгача ҳали анча бор...

Кўп қадимдир бу дунё, болангга қолар,  
Боланг, бир кун эр етиб, ишингни олар...

## II

Ховост томондан қўзғолган кучли шамол ногаҳонда қишлоққа ёпирилиб кириб, бирпасда кўп нарсаларни остин-устун қилиб ташлади. Шамол ер бетини қоплаган оппоқ шўрни совуриб, ҳазонларни учирар, хира туманга ўхшаган чанг-тўзон кўкка ўрлар эди. Тупроқ йўлнинг ўртасида бораётган Абдукарим, қутилмаган бу тўполондан эсанкираб қолди. Чопиб изига қайтмоқчи ёки ўзини бирорта дарахт панасига урмоқчи бўлди.

Аммо кечиккан эди. У қуюн гирдоби ичида қолди. Сочлари оқариб юзи буришди, қорамтир шими тупроқ тусига кирди. Болалар қичқирар, итлар хурар, тоғора ва челақлар даранглар эди.

Абдукарим «тфу», деганча осмонга ўқрайиб қаради. Бояги юксак кайфияти бузилиб, шаҳарга оёғи тортмай қолди.

У йўл ўртасида умрида кучли шамол кўрмагандек, гирдобда қолмагандек, атрофга ғижиниб, қараб турарди. У худди қишлоққа бегона, шаҳарнинг олифта, бадфеъл йигитига ўхшарди. Мана шуниси ҳаммадан ҳам ажаблаларли эди.

У уст-бошидаги чангни қоқар экан: «Мошин олиш керак» «мошин олиш керак», — деб такрорлади ва бундан буёққа чанг-тўзон ичида пиёда юриш унинг шаънига ярашмаслигини ўйлади. Унинг бу димоғдорлиги, ҳали қўлидан ҳеч иш келмай туриб ўзини осмон ҳисоблайдиган ёш йигитнинг ҳаракатлари шубҳали эди.

У айниқса, омаси олдида димоғини кўтарарди. Башарти чол пулдан гапирса, «ойига юз сўмдан олиб кетяпсан, шунча пулни нимага сарфляяпсан», деб суриштира, Абдукарим у-бу, деб ваз айтидию, кейин ичиб келиб, онасининг олдида столга мушт уриб. «Ўзим топаман ҳали...» деб кеккаяди. Лекин қачон топади? Нимани топади? Буниси номаълум.

Гўё унинг назарида, университетни тамомласа бас, ўз-ўзидан иши юришиб, пули кўпайиб кетади.

— Мошин олиш керак,— такрорлади у елкаларини кериб. Шу тобда унинг бутун қиёфасидан шиддат ёғилиб турарди.

Қунарлардан бир қуни, уни шу шиддатли қиёфасида кўрган нотаниш йўловчи — оқ сочли нуруний киши — яқин келиб: «Агар айнимасанг сендан саботли одам чиқади»,— деди.

Қураш секциясига қатнашиб юрган Абдукарим, нотаниш кишининг гапидан ҳайрон бўлмади. Собик тренерга ўхшайди, деб қўя қолди.

Кейинчалик Абдукарим қураш секциясига қатнашмай қўйди, ўзи ҳам сезмаган ҳолда нозик, жонсарақ йигит бўлиб борарди.

Дўстимиз ажойиб қурашчи бўлиб етишиб истеъдодини намойиш этади,

жаҳоннинг улкан спорт майдонларида республикамизнинг шуҳратига шуҳрат қўшади, деб орзу қилиб юрган ўртоқларининг умидлари пучга чикди. Бу орада тошкентлик Руфат Рискиев бокс оламида довруқ қозонди, Кубада, жаҳон чемпиони бўлиб, ҳамманинг диққатини ўзига қаратди. Машхур боксчига Абдукарим ҳам тан берди, айти вақтда, Руфат сингари юксак муваффақиятга эришолмаслигига иқрор бўлди...

Шу кунларда негадир Абдукарим ўз шахсининг қули, пулдор одамларнинг мухлиси бўлиб қолган эди. Энди уни биргина яхши яшаш масаласи қизиқтирар, қандай бўлмасин, пулдор одамлардан кўпроқ таниш-билиш, ошна-оғайни орттиришга уринар эди. Шунинг учун ҳам қишлоқда Эшимдан айрилмай қолди.

Унинг кўзи кўк дарвозадан чиқиб келаётган қизил «Жигули»га тушди.

«Эшим ака тилло йигит,— деб ўйлади Абдукарим,— одамни зериктирмайди, хафа қилмайди. Саводи бўлмасаям замонавий яшашга интилади — шаҳарда улфатлари кўп».

Улар бугун биргаликда шаҳарга — Гулистонга тушишмоқчи. Бу, албатта, Эшимнинг ташаббуси.

Кеча кечкурун канал бўйидаги тераклар остида ичиб ўтирганларида, Абдукарим тўлин ойга қараб оҳ тортганча, жимиб қолди. Сўнг қишлоқда зерикаётганини, уйга сиғмаслигини, Тошкентда қолган севгилиси Сожидани соғинганини гапирди.

Сожидага «университетга тезда етиб келинг», деган мазмунда, деканат номидан телеграмма юборинг, деб тайинлагандим, негадир телеграмма келмаяпти, деди.

Ишрат қилишга оёқ-қўли чакқон, сўзамол шерик тополмай юрган Эшимга жон кирди. Абдукаримнинг елкасига уриб, «Ечин, чўмиламиз», деди. «Кейин бир гап айтаман — хурсанд бўласан»...

Шу тариха улар ўша оқшом Гулистонга боришга ваъдалашдилар.

Ёш жиҳатидан Эшим, Абдукаримдан қарийб ўн ёш катта. У болалигидан ота-онасиз қолиб, фарзандсиз бобосининг кўлида ўсди. Қишлоқда кўпчиликнинг муҳаббатидан махрум йигит, «Жигули» олдию, бирдан эл эътиборига тушди.

Абдукарим фахрланиб қўл узатадиган Эшим — нимагадир қолга ёкмайди. Бу кексалик инжиқлигимини ёки кекса отанинг кўнгли бир нарсани сезадими, билиб бўлмасди. Бунинг устига қол, бировни макташга ҳасис. Одамларга чертиб баҳо беради.

Эшим машинадан йлжайиб тушди. Унинг бўйи баланд эди, елкаларига ёпишиб турган оқ нейлон кўйлагининг учта тугмаси қадалмаган бўлиб, сержун, қизғиш кўкраги қуёшда ялтирар эди. Унинг юз тузилиши оддий бўлиб, киши диққатини пачоқланганга ўхшаш бурнигина тортиб туради. Спортга ишқибоз ёшлар, шубҳасиз, Эшимни собиқ боксчи деб ўйлаб, панжалари узун қўлларига қизиқиш билан қарашади.

Эшимнинг бурни бултур тоғда пачоқланган эди. У тик қоядан қулаб кетди; йигирма метрча ҳавода ғувиллаб учиб, кейин арчага елкаси билан урилиб, пастга юмалади.

Уни шериклари ўлдига чиқаришди, аммо билан томирлари заифгина уриб турарди. Жонҳолатда, Зомин касалхонасига элтишди.

Фалокатдан омон қолган Эшим, кейинчалик хўдди тоғда айик билан олишгандек, тик қоядан қандай қулаганини мактана-мактана кўпиртириб гапириб юрди. Ҳарқалай анча-мунча довруқ қозонди.

Бекорчи одамлар гап йўғида ўша ҳақда ҳангома қилишадиган бўлишди. Айниқса, романтик ёшлар унинг пачоқланган бурнига ҳавасланиб тикилишар, ўша фалокат тафсилотини қайта-қайта сўрашарди.

«Хаммаси оддий гап,— деб бошда ёлгондан елка қисарди Эшим,— ул-фатлар ичганмиз, чўмилдик, балиқ тутдик, кейин лола ахтариб кетдик. Мен тик қояга кўтариладим...»

У мана шу нуктадан бошлаб воқеага сирли ва ваҳимали тус берарди, содда ёшларнинг этини жунжиқтириб, елкаси билан арчага қандай урилганини кўрсатарди.

Бу ҳақда Абдукарим ҳам қайта-қайта эшитган. Шунинг учун ҳам у Эшимни қишлоқдаги энг шерюрак йигит, деб ҳисоблайди. Унинг айрим қилиқларига, жумладан: одамларга совуқ илжайишига, беписанд қўл узатишига, худди денгизчилар сингари чайқалиб юришига таклид қилади.

Абдукарим Эшимнинг қўлини ҳурмат билан қаттиқ сиқиб қўйди. Бу қалб миннатдорчилиги эди.

— Ҳозир жўнаймиз! — деди Эшим.

— Шошилаётганим йўқ,— илжайди Абдукарим.

Машина тоза эди, тўсатдан чанг бостириб кирди, деди Эшим ва шамолни сўқди. Бунга жавобан Абдукарим хиринглаб кулди, шимиға ўтирган чангни кўрсатди.

Бехосдан ҳавода Эшимнинг амирона товуши жаранглади.

— Ў, итдан таркаган Ханифа! Машинани тезроқ ювсанг-чи!!

Ичкаридан: «Ҳо-озир», деган заиф, ялинчок овоз эшитилди. Гўдак гоҳ тўхтаб, гоҳ бўғилиб йиғлар эди.

Абдукарим дарвозадан мўралаб:

— Ўғилчангиз иштонини хўл қилиб қўйибди шекилли, юваётир,— деди.

Эшим хотинига бераҳм ва бепарво. Буни у оилада эркакнинг шаъни ва устунлиги, деб тушунади. Аммо бу хусусда мақтанмайди. Умуман у хотини номини бегона эркак олдида сўқинмасдан тилга олмайди. Гўё хотинининг номини ҳурмат ёки мақтов билан тилга олса, худди савдолашаётганга ўхшаб туюлади.

— Янгамни зириллатасиз-а! — деди яна Абдукарим кулимсираб.

Эшим индамади.

Ханифа челақда сув кўтариб уларнинг олдига келди. Чап қўлида оппоқ доқа, у юпка лабларини ярим очиб, ним жилмайганча Абдукарим билан тортиниб сўрашди. У ҳали ўттизга чикмаган. Аммо сўлгин чехраси бужмайиб қолган бўлиб, бир қарашда юзи қари кўринарди.

Абдукарим бош ирғади ва беихтиёр Ханифа янғасининг тобора чўқиб, буришиб бораётганини, юрагида яширин азоб борлигини сизди. Хотинига кўполлик қилаётган Эшимга норози бокди.

У ҳудди шу дақиқада жуда меҳрибон, олижаноб ва одил йигитга айланган бўлиб, Эшимнинг бадфеъллигини, Ханифанинг бахтсизлигини чуқур фаҳмлаб турарди.

Эшим безовталанди, бир баҳона топиб, Абдукаримни хотини олдидан узоқлаштиришни ўйлади. Буни Абдукарим сизди ва ўзи баҳона топиб Ханифага тескари қараб турди.

У ишончдан маҳрумлигидан хижолат бўлди, қалбидаги норозилик қучайиш ўрнига сўнди. Чунки унинг ишончдан маҳрумлиги табиий эди, ҳалигача Эшимнинг садокатига арзийдиган бирон иш қилган эмас-да.

Машинани артиб бўлган Ханифа:

— Тезроқ келинлар...— деди кўрқибгина.

Эшим хўмрайди.

— Абдукарим ҳалол йигит! Биз зарур иш билан кетяпмиз.

Машина жилди.

Чуқур хўрсинган Ханифа, сийрак чанг кўтариб енгил сузиб кетаётган машинани маъюс ва паришон аҳволда кузатиб қолди...

Машина тупроқ йўлдан, шағалли йўлга тушиб тезлигини оширди.

— Пул дадилми? — бехосдан кулимсираб сўради Эшим.

Абдукарим унинг шаҳарда ҳаражат қилмаслигини, ҳамиша ўзгалар чўнтагига кўз тикиб туришини яхши биларди. Шунинг учун:

— Етади, — деб жавоб берди.

Эшим зорланди.

— Кишлоқда одамлар у ёқ-бу ёқка чиқиб туришарди, ўттиз сўм, эллик сўм ишлаб турардим, мана ўн кундирки, кирага одам йўқ. Текинга эса мен юрмайман.

— Ҳа, албатта! — деди Абдукарим уни маъқуллаб ва машинасини мактаб. — Янги, соз машина. Сувда сузган балиқдай кетади, текинга юраверсангиз тез эскиради, шалағи чиқади. Мен сизга айтсам, Эшим ака, одамлар айёр бўлиб кетишди. Иложини топса, текин фойдалансам дейди. Лекин, эътибор берсангиз, ҳозир ҳамма нарса пул билан ҳал бўлади. Пул бермайман деган одам, ишини бажаролмайди. Энг ёмони — назардан қолади.

— Ў! Гапинг жуда тўғри, ука! — Эшим Абдукаримга ўгирилиб қаради. — Сенинг калланг ишлайди! Яшашни тўғри тушунибсан. Мана сенинг отангни олайлик... Эски актив, жа унчаликмас... Тоғдан шу чўлга кўчиб келганимизга йигирма йилдан ошдимми?

— Ҳа.

— Шу йигирма йилдан ўн, ўн беш йилини отанг бригадирлик билан ўтказди. Тўғри, яхши, обрўли, колхозда илғор бригадир эди. Ўша вақтида эди, ука. Ҳозир-чи? Ҳозир, отанг колхоз ҳисобида ҳам йўқ. Бору, номига холос... Вақтида отангга, эси бор оғайнилар: «Хў, Парпи ака! бу қадар ҳалол бўлаверманг, эл қатори томорқа қилинг, мол боқинг, бойлик керак бўлади», деб қариндошларча маслаҳат беришган, қайсар отанг бўлса, бунга кўнмади... Оқибати нима бўлди? Шунча ишлаб ҳеч нарса орттирмади. Икки қўлини бурнига суқиб қолди. Бунга ким раҳмат деди? Ҳеч ким.

Йўғ-е... — деди Абдукарим. — Коммунист ҳалол бўлиш керак, деган гап отамнинг миясига сингиб қолган.

«Жигули» пахтазор ўртасидан ўтиб катта қишлоққа кириб борди. Бу тў-лаликларнинг қишлоғи эди.

Қишлоқ — шаҳар йўлига туташ. Шунинг учун бўлса керак, кўпинча чопикчи аёллар, ўрниларига қизлари ёки ўғилларини бригадага ишга чиқаришиб, бозорга уришган. Улар шаҳар бозорида: сузма, катик, узум, олма ва ҳоказо нарсаларни сотишади. Хуллас, улар ҳар қуни шаҳарга катнашади.

«Ўша бозорчи аёллар»дан икки-учтасини, йўл-йўлақай бозорга элтиб ҳаққига бир сўм, икки сўм ундирадиган Эшим бу гал, аёллар қанчалик кўл кўтариб илжайишмасин, тўхтатмай ўтиб кетди. Бу гал у Абдукаримнинг ёнидаги «Дадил пул»га ишониб борарди. Ниҳоят шаҳар йўлига чиқишди.

Эшим кўкрагини кўтариб, керилиб қўйди.

— Бу Сожида деганинг тошкентлик қизми, ука?

— Йўқ, — деди Абдукарим, — бухоролик.

— Химм...

— Севиб қолдингми? Юракдан урди, де, ха-хах-ха!

Абдукарим илжайди.

— Чиройлиқкинадир-да?

— Тузук...

— Эҳтиёт бўл... Кейин бармоқ тишлаб юрма... Баъзи қизлар биттаси билан ўпишиб туриб, иккинчисига кўз қисишни яхши кўришади.

Бу гап Абдукаримга оғир ботмади. Сабаби, Эшимдан қизлар ва хотинлар хусусида самимий ва тоза гап эшитиш — мумкин бўлмаган нарса эди.

Шунинг учун индамай кўя қолди.

— Севги одамни поклайди, деган гапни эшитганман. Сен эса, ука... Мен билан... бу канакаси бўлди?

Абдукарим чиндан кизариб кетди.

Эшим кулди.

— Ха-ха-ха!

— Агар кулсангиз тушиб қолишим мумкин...— деди Абдукарим.

Эшим дарҳол лабларини маҳкам юмди.

— Ҳазиллашдим! Ҳазилнинг зўрини ҳали ресторанда кўрасан! Хуллас, бугун зерикмайсан, ука. Агар улар ёкса, тез-тез учрашиб туришинг мумкин. Факат, дадил пул топишинг керак.

Абдукарим энгил хаёлларда илжайиб ўтирар, атрофга завқ-шавқ билан боқарди. У ҳозир бахтиёр эди. Аммо бу бахтиёрликнинг маъноси ёш йигитни ўйлантирмас эди.

### III

Маҳмуд тегирмончининг икки ўғли бор эди; бири ўн учда, бири ўн бешда.

Тўнғичи Хидир лапашанг, лоқайд бола бўлиб, қўй ортида юриб кир-адирларда ухлаб қолар, на сўкиш, на шапалок таъсир қилмас эди. У қишлоққа судралиб қайтиб келгач, укасининг қадам шарпасини кутиб ўтирар эди.

Кенжаси Парпи, аксинча, чакқон, хушёр, зеҳли бола эди. Тегирмончи бугдой тортиргани келган одамларга: «Мана шу ўғлим, ҳақиқий дастёрим, насиб қилса икки-уч йилдан кейин тегирмонни ўзи бошқаради,— деб мактанарди.— Унинг ғайратини кўриб шў кунлардаёқ уйлаб қўйсамми, деб ўйлайман. Худо менга фарзанднинг биттасидан берди!»— дерди. Тегирмончининг фикрича, мамлакатда ғалати гаплар бўлаётса-да, бари бир, оиласининг кунини шу тегирмон оркасидан ўтади. Шундай экан, бой бойлигича, камбағал камбағаллигича қолаверади. Парпи уни ўз болаларига мерос қолдиради. Парпи бу гапларнинг ҳақиқий маъносини тушунмас, шундай катта тегирмоннинг ўзига қолишини ўйлаганда, болаларча қувонар, баъзан эса акасидан қизғанади эди. Аммо унинг бола тасаввури, қувончи, хаёллари, алғов-далғов замоннинг тасодифий ва тасодифий бўлмаган фожиаларига тўқнашиб, ҳаёт тегирмонида бугдой доналаридек янчиб ташланди. Хайриятки, соврилиб кетмади.

Ўша йили отаси тоғда айиқ панжасига тушди: падари бузрукворининг титилган кийимлари ва кемирилган суюқларигина топилди, холос.

Орадан бир йил ўтиб, онасини касал олиб кетди. Онаси қорним оғрияпти, деб дод-войлади, кинначи кампирни чақиритди. Кинначи кампир: «Сабр қил болам, ҳозир қорнингга кул босаман, тузалиб кетасан. Эсингда борми, олдин ҳам икки марта шундай войдодлаб менинг киннамдан соғайовдинг»,— деди.

Кинначи кампир учинчи марта тил тишлаб қолди. «Мана соғайдинг», дейиш ўрнига, «яхши хотин эдинг, менга бугдой бериб турардинг, жойинг жаннатдан бўлсин», деди.

Бу икки жудолик кайғуси, эндигина суюги қотаётган йигитлар у ёқда турсин, иккита азамат одамни қаддини букиб қўяр эди. Бир ёқда замон алғов-далғов, бир ёқда қимматчилик, яна бир ёқда босмачилар ваҳимаси...

Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси етимларнинг бошига тушар, уларнинг тахир таомини оғуга айлантлар эди.

Хар қалай, Хидир билан Парпи, икки қўли бурнида бўлган етимлардай кўчада колмади.

Хидирни Алиёр тоғаси опкетди, жиянини минг қўйли бойвачча қиладиган бўлди. Орадан кўп ўтмай ўзининг гунг қизига уйлаб қўйди.

Парпининг ўксик бошини, меҳрибон Муртозбой амакиси силаб, отасининг тегирмонини Мамат жувозчига сотди.

Тегирмон сотилиб, тегирмон пули жойини топиб кетгандан кейин, Муртозбойнинг юмшоқ қўллари дағаллашиб, Парпининг елкасига камчи тегадиган бўлди...

Ана холос. Бу қанақаси? Парпи кеча-кундуз тинимсиз хизматдан силласи қуриса, раҳмат эшитиш ўрнига ноўрин зулм.

— Мозор бошида сенга нима бор?! — ўшқиради Муртозбой кип-қизил бетларининг гўшти селкиллаб. — Юмронқозикка ўхшаб мозордан чикмай колдинг!

Парпи бошини ҳам қилиб туради. Оёқ-қўллари калтирайди, ичида бир нарса ёнади, амакисининг беҳосдан тўнини тесқари қийиб олганини бу шўрпешона етим бола тушунмайди.

— Етимнинг зиёратини худо қабул қилмайди! Мозорга бир нарса берсанг худога ёқасан. Сенда берадиган ҳеч вақо йўқ! Ё борми, бирор нарсанг.

Амакиси унга ғазаб билан қаттиқ тикилади. Бундан Парпининг юраги безиллайди.

— Йўқ...

Чамаси, Муртозбойга, шу «йўқ» деган сўз керак, уни эшитиб, бир оз юмшайди...

— Ҳалиям бошингни мен силадим. Лекин сендан яхшилик чикмайди, беҳосият боласан.

Бари бир Парпи амакисидан яширинча ота-онасининг қабрларини зиёрат қилар, худди қабр бошида тош қотгандек ўтириб, худога нима берсам экан, деб ўйларди.

Шунда амакисининг ноинсофлик қилаётганини, «ахир олтига қўй, тегирмоннинг пули, яна бошқа нарсалар меники-ку...» деб пичирлар, нима учун бирдан «ҳеч вақоси йўқ етим»га айланганини сира тушунолмас эди.

У қабристондан маъюс ҳолда амакисиникига қайтар эди, томоғидан овқат ўтмас, бир парча қаттиқ нон олиб сой бўйига тушарди-да, сув хўплаб нон ерди. Сув тагида тошлар ялтирар, баликлар эркин сузиб юрарди. У баликларга қўшилиб сузишни хоҳлар, аммо чўмилгани амакисининг хотинидан кўрқарди. Янгаси жуда чакимчи хотин эди.

Кунлардан бир куни Парпи акасиникига кетди. У Хидирни соғинган, уйда жой бўлса, ўшаникида қолмоқчи эди.

У ўша куни акасиникидан кеч қайтди, уйга оёқлари тортмай келарди, нима учундир ҳозир амакисидан бошқа қариндош-уруғларнинг ҳайиқинини ўйлар, бу ҳовлига босмачиларнинг қандай дахли борлигига тушунмас эди. Сабаби, бирор марта ҳам босмачилар Муртозбой амакисини йўқлаб келган эмасди.

У бостирмадан ўтиши билан амакисининг ўн яшар кизи — Рисхол чапак қилиб қичқирди.

— Ана, Парпи келди! Ана, Парпи келди! Энди таёқ ейди! Энди таёқ ейди!

Ҳовли ўртасида енги шимарилган иккита эркак бир-бирига рўпара ўтириб суяк майдалар, супада товоқларда гўшт уюлиб турарди.

Амакиси уларнинг тепасида, ковоғини уюб қўлларини орқасига қилганча, оёқларини кериб турибди.

Парпи аллақандай кўнгилсизлик рўй берганини пайқади. Орқасидан биров итараётгандек, мажбуран уларга яқинлашди.

— Хмм-м... келдингми? — деди амакиси ва индамай уйга кириб кетди.

Шунда Парпи астагина Мамат жувозчидан сўради:

— Ҳўкизни ким сўйди, Мамат ака?

— Биз, — деди жувозчи пичокни тишлай туриб.

— Нимага?

— Дамлаб қопти, қараш керак эди. Вазифангни бил-да, ўғлим!

Муртозбой уйдан қамчи олиб чикди.

— Бир бўлак ёғдан узат, — деди жувозчига.

Парпининг ранги ўчди, аммо сир бой бермади.

Жувозчи ёғни узатиб бошини ҳам қилиб олди. Муртозбой шошилмай камчини ёғлади.

— Ана, уради! Ана, уради! — Рихол чапак чалиб қувонар эди.

Деразадан мўралаб турган бойнинг хотини ва қизлари илжайиб кўйишди.

Ёлланган қамчи Парпининг елкасига «шип», «шип» туша бошлайди. Парпи ҳар қамчи тушганда сакраб кетар, букилиб қолар; инграр, лекин қочмас эди.

— Мана, мана, сенга! Бехосият ҳароми! Мана, мана, сенга!

Муртозбой гапирар, Рихол чапак чалиб ошқора севинар, бошқа ҳеч ким оғиз очмас, ёнларида шунчаки бир воқеа бўлаётгандек бепарво ўтиришарди.

Ниҳоят жувозчи шеригига пичирлади:

— Ҳамро, қаранг болани, ўлдириб кўймасин!

— Йўк, ўзингиз бир нарса денг. Менга қараганда, пича хурматингиз бор.

Аммо иккови ҳам бош кўтариб Муртозбойга қарай олмади.

— Энди эсинг қиради, кўзинг очилади! Дайдиб юрмайдиган бўласан! Мана, мана сенга!

Баъзан жоҳил, нодон одамлар ҳам, ўзлари сезмаган ҳолда, қаромат қилади.

Ушанда Муртозбой тўғри қаромат қилган, ҳар тушган қамчи Парпининг кўзларини қаттароқ очиб, жаҳолатга тўла бу тор ховлидан ташқарида ҳам кенг дунё борлигини илк бор эслатган эди.

Ҳўкизнинг ўлими Парпига қимматга тушди. У энди бу ховлида ортик яшай олмаслигига, яхшиси бошқа ёқларда дарбадар ҳаёт кечиришга қарор қилди.

Ниҳоят, у бир кеч, Зомин бозорига мол ҳайдаганларга қўшилиб йўлга тўшди.

Бозорда узок тентираб юрмади. Сойдаги кўприк устида бирпас турди-да, оқар сувга термилиб ўтириб қорни очганини пайқади. Қўлидаги тугунчада зоғора нон бор эди. Сув бўйига тушиб, нон чайнади. У шу ўтиришда қанча ўтирди билмайди. Бир вақт бозордан чиқиб келган учта от-арава сойга тушди, отлар сувни сачратиб, араваларни ғижирлатиб ўтиб кетишди. Олдинги аравада аёл ва эркаклар ўтиришар, кейинги араваларга пахта, жун, катта тандир ва яна бошқа нарсалар ортилган эди.

Парпи беихтиёр шу араваларга эргашди. Қандайдир бир умидда арава-нинг ёғочидан ушлаб олиб жадаллаб кетаверди. У худди аравага боғланган тойчоққа ўхшаб, ғилдираклар изидан чикмай борарди.

Аравалар Зоминдан чикди. Далалар қовжираб, сап-сарик яланглик бошланди.

Анча йўл босиб, охири арава тўхтади. Аравақаш — мўйловли, баланд бўйли одам — аравадан тушди. У шоша-пиша киндиги устида осилиб турган иштонбоғни бўшатиб арава ортига ўтди. Орқасига бир тисарилди-да, ранги



ўчиб дархол кўнжига кўл узатиб, пичок олди. Қўркув навбати Парпига ўтди, аравакаш узоқлашди. Нарирок бориб, киприк коқмай аравакашга тикилиб тураверди.

— Хў-ў!— деб ўдағайлади аравакаш.

Парпи кочмади.

Аравакаш ўзига келиб Парпига дурустрок тикилиб, пичокни кўнжига тикди. У бу нотаниш йигитчанинг ўғри эмаслигини — бечорахол бир ғариб йўловчилигини фаҳмлаб қолди.

— Эй,— деди аравакаш,— ҳа?

— Кетяпман,— деди Парпи.

— Қаёққа? Қани, бери кел-чи! Тезрок!

Парпи жойидан жилмади.

Аравакаш шоширди.

— Қани, араванинг олдига ўт! Заҳар қистаяпти...— Аравакаш иштон-боғини саланглатиб чўнкайди. Парпи энди тушуниб, араванинг олдига ўтди.

Аравакаш изига қайтар экан, энгашиб ҳовучига тўлдириб тупрок олди, сўнг тупрокда кўлларини «ювиб» кафтидаги чангларни кокиб ташлади.

#### IV

Арава жойидан жилди.

Парпи тугунчани тиззасига қўйиб, букчайиб ўтирди, у гоҳ-гоҳда кўз остидан аравакашга қараб, кўяр, бургутнинг ёнида ўтирган чумчуқдай кичкина бўлиб борарди.

Аравакаш қирқларга яқинлашган одам бўлиб, сарғимтир, сийрак мўйлови дикрайиб турар, қошининг усти тилинган эди.

Носни кўп отганидан бўлса керак, йирик-йирик тишлари сарғайиб кетганди.

Аравакаш жим ўтирганда, башараси тунд бўлиб, киёфасидан бераҳмлик ёғилиб, кимдандир қасос олишга чоғланаётган одамга ўхшарди. Аммо у гапирди дегунча, оккўнгил одамга айланар, шу беўхшов юзидан гўдак кулгисидай майин кулгилар тўкилар, кўзларида эса болаларча мактанчоклик жилва қилар эди.

Аравакашдаги бу ғалати аломатларнинг бари унинг ёлғизлигидан дарак берарди.

Аравакаш бир феъли тутса одамови бўладиган, кайфияти кўтарилса жағи тинмайдиганлар тоифасидан эди.

Парпининг соддалиги, беозорлиги, бунинг устига ғариблиги аравакашнинг раҳмини келтирди.

Йигитчанинг елкасига уриб:

— Аҳволинг оғир, оғайни!— деди.— Сабр қилсан энди. Бошқа чора йўқ. Сени ўзимга ўғил қилиб олар эдимۇ ўзимдаям олтитаси бор-да. Ҳаммасини боқиш керак...

Орага жимлик чўқди. Отлар пишқирар, арава ғижирлар эди.

— Чух, чух, жониворлар! Орқада қолиб кетдик-ку!

Отлар жадаллади.

— Аҳволинг оғир, оғайни,— такрорлади аравакаш,— майли, хафа бўлма. Бу савдо ҳамма камбағалнинг, ҳамма етимнинг бошида бор. Сабр қилсанг аҳволинг ўнгланиб кетса ажаб эмас. Неча ёшдасан?

— Ўн бешда...— деди Парпи астагина.

— Ҳимм... бўлар иш бўпти. Энди иш ахтар, бошпана ахтар. Ёз ўтди, куз келяпти, ҳаво совийди. Ҳаво совимасдан бошпана топ! Аслида бекор кочибсан. Қочок, ўз оти билан қочок. Пешонада ёзилгани бўлади, оғайни...

Мен сенга айтсам, хазилакам одам эмасман. Мўйловимни бураб мактаниб юрсам арзийди. Худо урсин, арзийди. Нимага деганингда мана шу аравакаш аканг, унча-мунча ерни эмас, нақ Валакандаз<sup>1</sup> ни кўрган. Э, Валакандаз-а! Айтсам биров ишонади, биров ишонмайди. Ишонса, ишонмаса, мен ҳаммага айтаман. Айтишим ҳам керак. Токи одамлар, бу сарик мўйловли аравакашнинг унча-мунча жўн одам эмаслигини билиб кўйсинлар.

Парпига бу гаплар таъсир қилди: умрида тоғ орасидаги кишлокдан, кир-адирлардан, тегирмон ва кабристондан бошқа жойни кўрмаган саводсиз, содда, ёш йигитча — аравакашга ҳам кизикиб, ҳам хуркиб караб — гапиришга сўз тополмай ютинди.

Айни вақтда унда ёшлик ҳаваси уйғонди: қачон бўлса-да, бирор марта ўша ғаройиб Валакандазни кўриш унга ҳам насиб этармикин? Қани энди кўрса, у ҳам аравакаш сингари ҳаммага мактанар эди.

«Валакандаз...» деб ичила такрорлади у.

Аравакаш тилининг тагига нос ташлаб, хумор қилиб, беихтиёр хиргойи бошлади.

Кўп қадимдир бу дунё, болангга қолар,  
Боланг бир кун эр етиб, ишингни олар.  
Умринг ўтиб боради, сўра юртингдан,  
Ёмон сўзлар бўлмасму ўлсанг ортингдан.  
Инсон дегани асли хатосиз ўтмас,  
Виждондаги гуноҳлар яраси битмас...

Аравакаш шу қадар берилиб, чайқалиб хиргойи қилар эдики, бундай дилрабо оҳангни биринчи бор эшитган Парпи сеҳрланиб қолди. Бирдан сапсарик, жазирама чўл сеҳрли куй таратаётган ажойиб кенгликка айланди.

Парпининг юраги эриб, чуқур энтикди. Учрашганларидан бери гоҳ тунд, гоҳ окқўнгил одам бўлиб туюлган аравакаш, бирдан унга яқин, жуда яқин бўлиб қолди. Аравакашнинг Валакандазни кўрганига чин юракдан ишонди. Чунки Валакандазни кўрган одамгина шундай сеҳрли қилиб қуйлаши мумкин.

Парпи ота-онасининг бевакт ўлимини, тегирмонни, Муртоз амакисини ўйлади...

Аравакаш айтган кўшиқ ҳақ бўлса, Парпи отасининг ишини — тегирмонни олиши керак эди.

Аравакаш унинг хаёлини бўлиб юборди.

— Менга кара, оғайни,— деди, овози қалтираб,— яхши йигитча экансан. Шу кўшиқни ёдлаб ол. Ёлғиз қолганингда ўзингга-ўзинг айтсанг енгил тортасан. Бу кўшиқни менга отам ўргатган. Отам ҳам аравакаш ўтган. Йўлда уни қароқчилар сўйиб кетишган... Улардан ўч олиш учун аравага ўтирдим.

— Менинг отам тегирмончи эди...

— Тегирмонни ташлама, ука. Ота моли — ота юрт, дегани. Ота юртини сотиб бўлмайди.

— Тегирмонни Муртозбой амаким сотди...

— Мен пошшо бўлсам, аравакашларга тўн кийгизар эдим. Отларига бир йиллик ем бердирардим. Мана бу адолатдан бўлар эди, ука. Сен пошшо бўлсанг. биламан, етимларга тўн кийгизардинг. Уларга иш топиб берардинг.

<sup>1</sup> В а л а к а н д а з — ҳозирги Ленинобод областининг Нов райони.

Сеники ҳам адолатдан бўлар эди. Тахтда қизил пошшо ўтирибди. Қизил пошшо, албатта қизилларга тўн кийдиради.

— Қизиллар ким? — сўради Парпи.

— Қизилларми? Химм... Чух, жонивор! Бай-бай, кун исиб кетди-я. Хали оташ араванинг йўли узок, кўп юрамиз.— Аравакаш бирпас ўйга толди, бурнини тортиди, у ёк-бу ёкка аланглаб чаккасини қашиди,— сен сабр қил, оғайни, қизилларнинг кимлигини ҳозир айтаман. Тағин «билмас экан», деб ўйлама. Мен Валакандазни кўрган одамман. Валакандаз — унча-мунча жой эмас.

Парпи жим ўтириб кулок тутди.

Бирок аравакаш гапни айлантирар, гап охирида яна Валакандазни тилга олар, «чух, жониворлар!» деб кўяр, бурнини тортиб, чаккасини қашир эди.

Ниҳоят аравакаш:

— Шундай тилимнинг учида турибди-я...— деди ва қошлари туташиб, пешонаси тиришди. Унча қийин эмас. Бир йўловчи номини осонгина айтган эди. Шундай осон, эсимда турибди: пешонаси кенг... У, одамларга карата: «Мени қизил пошшо деманглар!»— деган. Шошма, бир нос отай, эсим жойига тушса, айтаман.

Бошда унча қизикмай ўтирган Парпи аравакашнинг диққат бўлаётганини, ўша бир оғиз сўзни, бутун вужуди билан ахтариб тополмай қийналаётганини, Валакандазни қанча ўртага тикмасин, фойда бермаётганини кўриб, ўша исмга отасининг тегирмонига қизикқандай қизикиб қолди.

Қуриб кетгур нос ҳам ёрдам қилолмади.

— Сабр қил, оғайни...— деди аравакаш ва ноилож гулдиради: — Мен айтмасам, бошқа биттаси айтади. Ишқилиб, тез орада эшитасан. Ўшанда мени эслагин. Майли, арава ҳақига сендан пул олмайман. Сенга бошқа маслаҳатим бор. Мирзачўл деган томонда Гадойбой деган одам бор. Ўша бой одам ёллаб ишлатади. Пахта экади. Сен ўша бойниқига бор. Хув олдинги арава ўша ёкка боради. Мен оташ арава<sup>1</sup> нинг йўлида қоламан. Оташ аравани кўрмагансан-а?

— Йўк.

— Э, қизик арава...— Бир-бирига тирқалган, аравачалари кўп. «Пиш-пош», «пиш, пош», «ду-ут», деб юради.

— Униям от тортадимми?

— Йўк, ўзи юради...

— Қандай?

— Буни биз, авом халқ билмаймиз, оғайни. Менинг билганим, оташ арава «ду-ут», деб юради. Шуюм катта гап! Шуниям кўплар билмайди.

Отлар энди пишқирмас эди, араванинг ғижирлаши аниқ эшитиларди.

Парпи ўйга толди. Дунёнинг бу ёғи каттакон ва тушуниб бўлмайдиган, янги воқеаларга, ваҳималарга тўла экан. Аравакаш Валакандазни кўрган одам, қизилларнинг кимлигини айтолмай қолди, шунга қараганда, қизиллар дегани — манови эски одамларга ўхшамайдиган, бошқача янги одамлар экан-да. Улар эл-юртнинг — камбағалларнинг ғамини ейдими ёки ок пошшо сингари, бойларга боқадими?

Парпи қизилларнинг кимлигини билолмади. Лекин у аравакашдан миннатдор эди. У аравакашни жуда кўп нарсаларни тушунадиган, қароқчилардан ҳам, бойлардан ҳам кўркмайдиган баҳодир киши деб тушунди. Амакиси урганда, кутгани — шу аравакашдек туюлди. Аравакашни яхши кўриб қолди.

<sup>1</sup> Оташ арава — поезд.

Иложи бўлса ундан сира айрилмас эди. Аммо аравакашдаям «олтитаси бор», ҳаммасини боқиши керак.

Улар поезд йўли устида бир-биридан айрилди.

— Ўлмасак учрашамиз, оғайни,— деди аравакаш қандайдир хушчакчак овозда.— Одам бўлсанг, қишлоғингга қайт, тегирмонни бировга бериб қўйма. Ота моли — ота юрт, дегани. Ота юртни сотиб бўлмайди.

Парпининг кўзларига ёш куйилди. У аравакаш билан биринчи ва сўнги марта, худди отаси сингари қалби оғриб хайрлашмоқда эди. Кейин, Парпи Зомин йўлидан қанча юрмасин, аравакашни топа олмади.

## V

Мирзачўл дегани бепоён дашт, сахро. Каёкка карама, бағри ваҳимага, очликка, ёвузликка ва ўлимга тўла. Қовжираб ётган ўтлар орасида: юмрон-қозиклар, каламушлар изғиб чопишар, калин чангалзорларида чиябўрилар увиллар эди.

Арава секин юриб борарди. Бу аравада ўзаро хангома кизғин эди, шу ваядан биров Парпига кизиқмади.

Парпи араванинг бурчагида ғужанак бўлиб, оташ арава йўлида қолган меҳрибон аравакашни шунча бирга йўл босиб исмини сўраб олмаганидан афсусланади.

Ўша аравакашнинг хурмати учун, унинг қўшиғини хаёлида такрорлай бошлади.

Баъзи сатрлари эсига келмай қолса, кўзларини юмар, лабларини маҳкам кимтир, чаккасидаги ингичка, кўк томир бўртиб чиқарди.

Аёллардан бири Парпининг бу ҳолатига эътибор бериб:

— Хой, бола, бирон жойинг оғрияптими? — деб сўради, ёнидаги хотинга қараб: — Ёзилмоқчи, заҳар кистаяпти шекилли,— деди.

Парпи шоша-пиша:

— Йўк, йўк,— деди.

— Уялма, айтавер, хали узок юрамиз.

— Рост,— деди Парпи ва кўкрагини хийла кўтарди.

Ўзига гап қотгани учунми, аравадаги хотинларга кизиқди: булар каёкка боришар экан? У ҳамон ичида аравакашнинг қўшиғини такрорлар эди. Гўё бу қўшиқда, отасининг тегирмонига боғлиқ бир талай сирлар яширин эди. Шунда у, ота-онаси тириклик чоғида, ҳамиша уйларининг тўрида осилиб турадиган дўмбирани эслади. Бу бобосининг дўмбираси эди. Бобоси қатта бахши бўлган экан. Бобоси дўмбира чертиб қуйлаганда, бутун қишлоқда шоду хуррамлик бўлиб, тандир-тандир қонлар ёпилар, қўйлар сўйилар экан. Бобоси тўкинчилик замонни қуйлар экан.

Қуллардан бир қуни, қорли тоғлар этагидаги Ўрикли деган томондан ок отли, оппоқ соқолли бир қирғиз чиқиб келиб тўғри тегирмончининг уйига қўнди.

Парпи қолнинг отига, оппоқ соқолига махлиё бўлиб тикилиб қолди. Отаси эса ўзини қўярга жой тополмай, ҳадеб қуллук қилар, қувончдан боши осмонда эди.

Ок отли қирғизни қўрганлар, айтишув бошланишини кутиб ўтирмасдан ортидан изма-из келаверишди. Ҳамманинг юзида хаяжон, қувонч.

Ўша окшом тегирмоннинг ховлиси тўйхонага айланди. Дўмбира сайради, оппоқ соқолли қол, то хўрозлар қичқиргунча қирғизча қуйлади.

«Қуллук, қуллук!» — дейишди йиғилганлар. «Бобомизнинг руҳини шод этдингиз, оксоқол! Шу окшом бобомизни қайта тирилтирддингиз. Муқаддас дўмбирасини сайратганингиз учун раҳмат, бахши бобо! Қирғиз оғайниларга меҳр-муҳаббатимиз онди, хизматингизга тайёрмиз...»

Тегирмончи эриб кетди, бахтиёрлик — сахийлигини ошириб юборди, ҳам-манинг олдида, дўмбирани бахшига узатди: «Оксокол! Сиз отамнинг кадр-дони, дўсти эдингиз. Сиз келган кун, доим уйимизда катта йиғин — шодлик бўлган. Буни биз сира унутмаймиз. Отамиз қазо қилгандан кейин дўмбираси эгасиз қолди. Энди шу дўмбирани сизга бераман...»

Бахши дўмбирани қўлига олиб, авайлаб ўпди, панжалари қалтираб уни силади, кўзларига ёш қалқиб дўмбирани тегирмончига қайтарди, йиғилганларга юзланиб: «Ҳа, Султон бахши қадрдон дўстим эди! У йигирма йил Ўриклидаги қирғизларнинг азиз биродари, оғайниси бўлди. Ўзбек ва қирғизлар ўртасидаги қадимий дўстликни мустаҳкамлади. Унинг дўмбираси муқаддас эди, муқаддас бўлиб қолади. Бу муқаддас дўмбирани эгасиз дейиш, ноўрин гап, оғайнилар. Бу дўмбира ўзбекники! Менинг унга эга бўлишга ҳақким йўқ. Бордию эгалик қилмоқчи бўлсам, бу хиёнат, бахшилар шаънига кечирилмас ҳақорат бўлади. Бундай бадбахтликдан ҳаммамизни худонинг ўзи асрасин! Менинг ўз дўмбирам бор, бу — қирғизларнинг муқаддас дўмбираси!»

Ўшанда тегирмончи ўз хатосини тушунди, то ўлгунча дўмбирани кўз қорачиғидай сақлашга, буюк тоғ ва тоғликларнинг номидан онт ичди.

Бахши бобо миннатдор бош эгди.

Парпи мана шуларни эслар экан, нимага шу вақтгача бобосининг муқаддас дўмбираси хаёлига келмаганига афсусланди.

У муҳим, жуда муҳим нарсани унутган эди. Йўлда аравакашга тегирмон ҳақида эмас, шу муқаддас дўмбира ва оқ отли, оппоқ соқолли қирғиз бахши ҳақида гапириб бериши керак эди. Шунда, балки аравакаш қувонармиди, эси жойига тушиб қизилларнинг кимлигини айтиб бера олармиди?

Ҳар қалай, аравакаш хурсанд бўларди. Эҳ, аттанг!

Агар аравакашнинг қўшиғини, бобосининг дўмбирасида куйласа, янаям ажойиб жарангласа керак? Балки бобоси бу қўшиқни билгандир, куйлагандир, болаларим дўмбирамни хор қилмайди, деб ишонгандир. Ҳа, ишонган.

Қизик-а? Бировдан дўмбира, бировдан тегирмон, бировдан арава болаларига қолади. Лекин нега энди, бегоналар бировнинг мулкига тегинишиб ўзиники қилиб олиб сотишади? Ахир аравакаш ота моли — ота юрти, дедикун! Ота юртни сотиб бўлмайди, деди. Тўғри айтди. Аравакаш яхши одам.

Парпи албатта кишлокка қайтиб, Мамат жувозчидан тегирмонни қайтариб олади. Ҳа, ҳа, қайтариб олади. Майли. Муртоз амакиси қўйларни, тегирмон пулини бермай қўя қолсин. Муртоз амакиси нокас одам. У қариндош эмас — бегона. Йўқ, душман. Аравакаш тўғри айтди, унинг юрти йўқ, хирси бор, холос.

Аттанг, бу ҳақда аравакаш билмас экан-да. Шуниям айтиб берганда, Парпи ҳозирдан қизилларни яхши кўриш керакми, ёмон кўриш керакми, билиб оларди.

Арава секин ғижирлаб борарди. Хотинлар ва эркаклар ўртасидаги хангома совиган, чарчок ва мудроқ аралашиб, иссиқ ва йўл азоби уларни ҳолсизлантириб борарди. Отлар қора терга тушиб кетган эди. Қаердадир зарғалдоқ тинмай чирилларди. Бир парча оппоқ булут остида, қузғун айланиб учяпти. Ҳаммаёқ сап-сарик. Ўлик дала бўйлаб арава секин, ғижирлаб борарди.

## VI

— Хув, чол!

Кампирнинг товуши чолнинг қулоғига ўқдай кирди. Чол чўчиб бош кўтарди. Хаёллари тарқаб кетиб, кўз олдидаги ғижирлаган арава, ўлик

сахро, лов-лов ёнаётган осмон, ғариб болалиги — ҳамма-ҳаммаси бирдан ўчди.

— Қайноқ чой обораيمي? — сўради кампири.

— Опке, — деди чол. Ўзиям чанқаган эди. Ўша қайғули, оғир кунларни эслаш, ўтмиш қанчалик қайғули ва оғир бўлмасин, чол учун қандайдир азиз, қимматли эди.

Машаққатли, зиддиятли ҳаёт йўлини босиб ўтган чол, ўз ўтмишини хотирлар экан, фурсат етганда, ўлим билан қўшиб дунёни орқалаб кетмаслигига ва ҳамма нарсадан бирдан айрилишига кўзи етиб турар, беихтиёр: «Умрим мазмуни нимадан иборат? — деб ўйлар, мана шу ўйларидангина қисматида вафо борлигини тушунар эди.

Бу улуғ тушунча эди. Шунинг учун чол ўз ўйлари қаршисида кичрайиб, гоҳ ғамгин, гоҳ ўйчан бўлиб қолар, умридан шафкат тилар эди.

Кампир катта гулдор чойнакда совук чой билан пиёла келтирди. Куннинг иссиғида ҳарсиллаб, узун енги билан гўштдор юзларини, кўкрагини елпитар, дам-бадам, «уф-эй». «уф-эй», деб кўярди. Негадир бугун ишламаса ҳам чарчаб турарди.

Чол чойни пиёлага қуйиб ўтирмай, чойнакнинг жўмрагини оғзига тутди.

Чолнинг панжалари устидаги, билакларидagi, бўйнидаги бўртиб чиққан томирлар тўк кўк тусда эди.

Бароқ қошлари остидаги кексаларга хос мулойим кўзлари алланечук қисилиб турарди. Чолнинг ўйларидан беҳабар хотин кўк томирларни кўриб, кўнглидан ёмон гап ўтказди ва қутилмаган асабий товушда бирдан:

— Ўзингиздан кўринг! Амалингиз борида дунё орттирганингизда ҳозир шунақа қийналиб ишлаб юрмасдингиз. Томирингизни қаранг, ёриламани, деб турибди. Худо кўрсатмасин ёрилиб кетса борми!

— Ким қарипти?

— Сиз-да!

— Мен қариганим нук, қаримайман ҳам. Ҳалол ишлаган одам ҳеч қачон қаримайди. Ҳаромдан худо сақласин.

— Хе-е! Сизга шунақа гап бўлса. Ана, Шавкибой. Соқоли оқарсаям йигитдай юради. Унга ҳамма ҳавас билан қарайди. Нимага деганда, дан-филлама участкаси, машинаси, сандиқ тўла ҳазинаси бор.

Чол индамай кўя қолмокчи бўлди. Чунки қишлоқда Шавки савдогар, пулга ҳирс қўйишда отнинг қашқасидек маълум. Чол билади, кампири ҳам бойликка ўч. Индамасликдан эса, виждон оғрийди.

— Шавкибой йигитдай бўлиб юрмайди, юролмайдди. Ўзини зўраки йигитдай тутди. Бу унинг қариганидан, тугаётганидан дарак. Сир бой бермай, тугаётганимни эл билмасин, дейди-да, номус қучли — чопқиллаб юради. Ростини айтганда, Шавкибой қариликдан эмас, ўша ҳаром йўллар билан топилган бойлигидан ажраб қолишдан кўрқади. Гўё йўрғалаб юрса, узок яшайдигандай, бойлигига узок вақт эғалик қиладигандай бўлиб туюлади. Ўша сандиғидаги ҳазина, ҳазина эмас, Шавкибойни йўрғалатиб турадиган камчи.

— Ў-ў-хх! — деди кампир.

Чол кўнглидаги гапни айтганидан енгил тортди. Бехосдан кўнглига, «агар шу Шавкибойга йўл берилса, қишлоқда кўрғон қуради, одам ёллаб ишлатади...» деган гап келди. Рост-да, совет замонидagi Шавки савдогарнинг бурунги Гадоёбойдан қанақа фарқи бор? Икковиям бир гўр эмасми; Икковиям жамиятга хизмат қилмайди. Юрт деганда — кўрғонни, халқ деганда — кўрғондаги чорикорларни ўйлашади.

Чол кампирини унутди. Кўз олдида яна гижирлаган арава, ўлик сахро, лов-лов ёнаётган осмон, ғариб болалиги жонланди.



Гадоёбой дегани баланд бўйли, соколининг учи оқарган, юзлари кип-кизил киши эди. Косасида қотиб турадиган мовий кўзларида ёввойи мушукники сингари очкўзлик ва вахшийлик акс этарди. У ўша вахший кўзларини қайси чорикорга тикса, дош беролмаган бечора чорикор, пати юлинган товукдек типирчилаб колар эди. Гадоёбой кучли, соғлом одам эди.

Унинг бешта хотини бўлиб, иккитаси туғмас, уларни Гадоёбой атайлаб излаб топган эди. Учта хотинидан ўн тўртта фарзанди бор эди. Фарзандларнинг тўнғичи ўттиз бешта бўлса, кичиги бир ёшда эди.

Тўнғич ўғли Ҳаким отасининг изидан бориб, учинчи хотинига яқинда уйланган эди.

Гадоёбой бу бепоён чўлда, танҳо машхур бойми, ёки чўлнинг бошқа жойларида машхурроқ бойлар борми, буни ҳеч ким билмайди. Чўлга изи тушган одамлар биладиган бой битта: у ҳам бўлса шу Гадоёбой. Унинг кийган нарсаси ўзига ярашар, мос тушар эди. Фақат исми ўзига мос тушмас, ақли тиник чорикорлар ўзаро «ўтмиш аждоди гадо, кашшок ўтгандир?» деб тахмин қилишар эди.

Парпи худди мана шу бойнинг қўрғонига келиб қолди. Бу ерда чорикорлар анча-мунча эди. Қўрғон атрофи баланд паҳса девор билан ўралган бўлиб деворнинг кунчиқиш томонида катта темир дарвоза бор эди.

Девор сиртида Парпига серсоқол бир киши учради.

— Бу ерда киминг бор? — сўради.

— Ҳеч кимим...

— Қаерликсан?

— Зомин тоғидаги Найман кишлоғидан.

— Ота-энанг ўлдими?

— Ҳа...

— Очликданми?

— Йўк... Отамни айиқ ўлдирди. Опам касалдан ўлди.

Химм. Очмисан дейман-а?

— Йўк...

— Лабингни ялайвериб юпқартиб юборибсан-ку. — Серсоқол киши кўйиндан яримта зоғора нон чиқарди. — Ма, же.

Парпи бир интилди-ю, ўзини тортиди. Серсоқол киши у ёқ-бу ёққа аланг-лади-да, деворга ўтириб, Парпини ёнига тортиди.

— Жее, же, — деб кистади, — нимага тортинасан, мен сенга бой эмасман-ку!

Парпи ўтирмади, тик турганича оғзига нон ушоғини солди.

— Найман кишлоғидаям очликми? — сўради серсоқол киши.

— Очликмас.

— Унда нега келдинг?

— Қочдим, — деди Парпи, — Муртоз амакимникидан қочдим. Қамчи билан уриб елкамни яра қилди. Ханузгача оқшом ётсам орқам ачийди.

— Э, камчидан қочдингми? Мўрт экансан-да, иним. Бу ерда... ишлай олармикансан? Бу ерда камчи — кичкина жазо. Таёк — катта жазо. Белни узади лағнати.

— Нимага ўтириб олдингиз?

— Корин оғрийди, иним...

Парпи қорин оғриқдан ўлган опасини эслади. Аммо буни серсоқол кишига айтмади.

— Сиз бойнинг эшигида нима иш қиласиз?

— Отбоқарман. — Серсоқол киши бирдан кўзларини катта-катта очди.

— Э, сен зап келдинг, иним. Ўзимам худодан чопқир бола тилаб турувдим. Отдан қўркмайсанми?



— Хе,— кулди Парпи,— одам отданам кўрқадими? Отни жуда яхши кўраман.

— Бой отам бугун йўк,— деди серсокол киши,— Тошканга кетган. Бой отам келгунча, сен менинг ёнимда ётиб турасан. Том устида пичан орасида ётамиз.

Парпининг чиройи очилди.

Ҳақиқатан ҳам ўша оқшом иккови том устида, пичан орасида ётишди. Серсокол киши ўз ҳаёти ҳақида гапириб берди. Асли Жиззахлик экан. Болалари, хотини узок йили очлик азобидан алламбало касалга йўликиб бирин-кетин ўлибди. Қаршибой соқолини ўстириб, каландарлик йўлига ўтибди. Айланиб-айланиб мана шу Гадоёбойнинг юртига келиб қолибди. Ўзиям дайдиб юриш жонига теккан экан, бойдан иш сўрабди. Иягидаги соқол ўша каландарлик ҳаётидан мерос экан.

Қаршибой тагидаги пичанни қисирлатиб ёнбошига ағдарилди ва:

— Одамлар шу соқолимга караб туриб, тўрвамга нон ташлар эди,—

деди,— мен шу соқолимни ўйлаб... бировдан нон тилашдан уялмас эдим. Соқол — юзимга тутилган никобга ўхшар эди.

Парпига каландарлар ҳаёти, каландарнинг қалбидаги ўксик туйғулар бегона эди. У киприк қоқмасдан аллақандай сарғайиб турган тубсиз осмонга тикилиб ётар; юмалок, силлик, оппок тошга ўхшаган ой, худди уларнинг устига тушадигандек омонат турарди.

Аммо у худога ишонар эди. Айни чоғда ўзининг гуноҳсизлигига ҳам ишонар эди. Ойни худо ушлаб туради. Агар бандалар гуноҳ қилаверса, бу гуноҳдан худо қаҳрга тўлиб ойни ташлаб юборади. Ой — мункарнакрнинг энг катта гурзиси. Ерниям, одамларниям тарикдай сочиб юборади.

Ёлғон сўзламайдиган опаси раҳматли бу гапни болаларининг қулоғига кўрғошиндай қилиб эритиб куяр эди.

У эшитган яна бир гап бор.

Бир куни кечкурун, амакисининг ҳовлисига тоғ ошиб, ўнта бегона одам келди. Улар отли, милтикли кишилар эди. Амакиси шошиб қолди. Сўнг қўй сўйди, дастурхон тузади. Улар дастурхон устида, юртда пайдо бўлган кандайдир худосиз ялангоёқлар ҳақида сўқиниб гапиришди. «Агар биз ғалабага эришиб, мусулмон юртини сақлаб қолмасак, охир замон бўлади! Ўша ялангоёқлар чигирткаларга ўхшаган экан. Ёпирилиб, кўнган жойини зумда чўлга айлантисан экан». Ўша оқшом ҳам ой мана шунақа омонат турган эди.

Отбоқар болани ухлаб қолди, деб ўйлади. Сабаби—Парпи қимир этмай жим ётар эди.

— Ҳей, иним, чироғим,— деди аста.

— Ухлаганим йўк,— деди Парпи.

Отбоқар хўрсинди.

— Камбағалнинг кўзидан уйқу қочади. Уйқу бойга ярашади. Сиздан бир нарса сўрасам майлими?

— Сўра, чироғим.

— Шу ой тушиб кетармикан?

— Қайси ой? Осмондаги ойми? Жўғ-э! Муни ким айтди сенга? Кўрқма, ой тушмайди, чироғим. Ой — осмонга ёпишиб қолган.

— Ой ўзи нима?

— Муни бой отамдан сўраш керак, у киши кўп мулла, эшонларни кўрган, шунинг учун қалласи тўла ақл.

— Ерда ҳар хил одамлар пайдо бўпти... Шунга ой тушиб кетадими, дейман-да.

— Ҳар хил одамлар? Ҳа-а, муни оз-моз биламан. Бой отам бизга кейинги вақтларда ит эгасини танимамай қоляпти, деб айтган эди. Рост, ана, олапар

ити, тунов куни бой отам маст бўлиб келган эди, эгасига қараб ҳуриди. Ит эгасини танимагани шу-да.

Шундан сўнг иккиси анча вақтгача хаёл суриб ётишди. Парпи осмонга қарагани кўрқиб ёнбош бўлиб ётди. Димоғига қурук беданинг хиди урилди.

Қаршибой шивирлагандай қилиб:

— Э, худо, — деди. Мендек бандаи мўминдан битта кулбани, бир парча ерни, омоч билан иккита ҳўкизни аяйсанми? Бошқасини ўзим топар эдим. Дунёда Жиззахдан гўзал жой, Жиззах тоғидан баланд тоғ, еридан сахий ер борми? Марҳаматингни Қаршибойдан аяма. Чўли-биёбонда итдек дайдиб ўлиб кетмайин. Дайдиб-дайдиб Жиззахдан тобора узоклашиб кетдим. Менинг киндик қоним тўкилган тупрокни гўристонга айлантирма...

Парпи секингина «ух» тортди. Унингча отбоқар адашаётган эди. Дунёда Зомин тоғидан баланд тоғ, Зомин кишлоғидан чиройли жой — ер юзида йўк. Икки томони адир, тоғ. Сойдан тиник, шаркирок сув оқади. Сувида баликлар сузади. Сувнинг тагидаги тошлар топ-тоза. Тошлар ҳар хил жилваланади. Қорин оч пайтида ўша оппоқ тошчани оғзингга солиб шимсанг қурутнинг мазасини беради. Шундай чиройли жойдан Парпи қочди-я! У қайтиб бориши керак. Аравакаш тўғри айтди. Бу фикр Парпининг миясига қаттиқ ўрнашиб қолди.

Отбоқар ухласа хуррак тортар экан... Ора-сира гапириб ҳам қўяди. Бир марта аник-тиник қилиб, «Ўлма, Сумбула, — деди, — нега ўлаяпсан? Аравакани бирга тортамиз, деган эдинг-ку? Булутга айланма, ёмғир бўлиб ёғаман, дейсан. Бундан нима фойда Сунбула? Ахир дехқончилик қилишга еримиз йўк-ку. Булутга айландинг-а, Сунбула! Бировнинг ерига ёмғир бўлиб тушасан-да. Мен сени сира бевафо деб ўйламагандим. Очликка, касалликка чидамадинг. Шунча одам, бутун бошли халқ чидаб юрибди-ку. Одамлар чидаяпти, яхши кунлар бордир-да. Энди сен Сунбула эмас, булутсан. Ёмғир бўлиб қарга тушар экансан» Отбоқар жимиб қолди.

Парпи отбоқарни туртиб уйғотмоқчи бўлди, лекин кимирлашга кўрқди...

Шунда яна аравакашни эслади. Яна кўнгли ёришди. Аравакаш хаёлида юксалиб, афсонавий бир кишига айлланиб борар, ер юзидаги жамики адолат ва ҳақиқат унинг йирик-йирик кўзларида нур бўлиб шуъла сочар эди.

Парпи аравакашни, хаёлий қаҳрамонини севиб қолди.

Кейинчалик, кўзи очилиб онгли равишда «пешонаси кенг кизил»ни тасди ва беихтиёр ўша аравакашга бахшида севгисини, унинг порлоқ руҳига, буюк ишларига бағишлади.

Ҳозирча эса Парпининг сеvimли кишиси — на марҳума волидаси, на регирмончи азамат отаси, ёки қариндошларидан бирортаси эмас — бор сеҳрли фазилати Валакандазни кўрганидан иборат оддий аравакаш эди.

Парпи бойга «ёқди».

Бой унинг бўй-бастига, айниқса катта кўлларига тикилиб қарар экан, одамни эмас, бирорта отнинг ишга қанчалик ярар-ярамаслигини аниқламоқчи бўлгандек хаёлан салмоқлаб, чамалаб кўрар эди.

— Юравер, — деди бой, — айёрлик қилмай ишласанг, ҳар қалай қорнинг тўяди. Ишдан кўркма, очликдан кўрк.

Бой майда гап эмасди. Доим шундай икки оғиз гапирди, вассалом. У ёғи ўзингга, тўғрироғи, айёрлик қилмай ишлашингга боғлиқ... Парпи от бокишга киришди.

Бойда отлар кўп эди. Шундан тўрттаси, чиннидай тоза бостирмада, ташқарига чиқсак қанот боғлаб учамиз, деб турарди. Тўрттови ҳам бир хил; оппоқ баланд отлар эди.



Бой учкур отларини кўз қорачиғидек асрар, жониворлардан ҳар куни шахсан ўзи икки марта хабар оларди. Ҳар гал бостирмага кирганида, отларнинг сағрисига бирма-бир меҳр билан авайлаб шаппатилар, уларнинг кўзларида — мулойимлик, хатто ҳурматга ўхшаш бир нима ёрқин кўринар эди. Нимадан шундай экан-а?

Бойнинг бошқа отлари — анчайин дала отлари эди. Бой дала отларига меҳр билан қарамас, бу отларни бойлигининг кичкина бир бўлаги деб тушунар эди. Ҳолбуки дала отлари — олтмиш етита эди.

Парпи худди мана шу дала отларини серсокол киши билан биргаликда кўрғондан йироққа — чўл кўйнига хайдар эди.

Парпининг қочқлиги, дарбадарлиги шу тариқа барҳам топди. Гадоёбойнинг кўрғони, тўғрироғи, том устидаги пичан ораси бошпанасига айланди, шу ерда отбоқарлик ҳаёти бошланди.

Бой пахта ҳам экар экан. Пахта оз ерга экилиб, ҳўкиз ва омовда ишлаш кони азоб эди.

Парпи «пахта», деган сўзни биринчи бор ўша ердан эшитди, у бу сўзга тушунмади ҳам, қизикмади ҳам.

Кунлар ўтган сари Парпи отларга кўника бошлади, хатто зийраклик билан отларни уч гурппага ажратди.

Олдинда юрадиган отлар — майсаларни, умуман, дала ўтларини босмас, ўтларни танлаб ва авайлаб ейишар, чамаси, орқадаги отларни ўйлаган ҳолда тумшуги тагидаги ўтларни қолдириб қетишар эди.

Ўртадаги отлар, гоҳо танлаб ўт ейишса, гоҳо тўғри келган ўтга ёпишар, гоҳо майсаларни босмаса, гоҳо тепкилашар — уларнинг феълени тушуниш кийин эди.

Орқада юрадиган отлар — очкўз ва бефаҳм отлар эди. Бу отлар олдин ўтни илдизигача кемирар, сўнг ўт ўрнини тепкилар, кейин чангини чиқариб ағанаб ҳам қўярди.

Ёз ўтиб, ёмғирли, алланечук совуқ куз бошланди. Ўтлар қуриб қолди. Отлар ориқлаб борарди. Энг ёмони — Қаршибой ички бир дардга йўлиқиб, ёнок суяқлари бўртиб чикди, соқоллари тикрайиб қолди. У эрталабдан қорнини чангаллаб жингил панасига кетар, у ерда узок ўтириб, лаблари қуриқшаб қайтар эди.

Баъзан тишлари бир-бирига урилиб, бутун танаси қалтираб аянчли қиёфада Парпига тикиларкан, ичига ботиб кетган қоп-қора кўзларида қорнидаги оғриқнинг кучи, даҳшати кўринар эди. Парпи кўрқиб кетганидан тесқари қараб оларди, унинг ҳам танасида худди шундай титроқ бошланар эди.

Сизга нима бўлди, Қарши ака?

— Ҳеч нарса чироғ-ғимм... йўк... ҳеч нарса.

— Ётинг, Қарши ака! Отларни ўзим эплайман.

Отбоқар ўқчиди. нҳради.

Парпи кигизга ўхшаган, аммо юққа сарғимтир чакмонни икки жингил ўртасига тўшади. Қаршибой гужанак бўлиб ўша ерга ётди.

— Мен ўламан, ин-нимм...— деди хириллаб. Сўнг ўлими олдидан ширин ва маънос ҳаёлга толгандек, кўзларини юмиб узок ўтирди. У кишининг ҳар бир киприги кўрғошин парчасидек оғир эди. Қалта-қалта нафас оларкан, елкалари ачишаётганга ўхшар, гўё қорнида ичкалари ағдар-тўнтар бўлмокда эди.

— Ётинг, ётинг! — деб кистар эди Парпи. У сопол кўзачадан кафтига бир ҳўплам сув олиб шеригининг оғзига томизди. Қаршибой оғзини каттароқ очди ва сўник кўзларини ярим очиб, сув, кўпроқ сув сўради. Сўнг анчагина сув ичди...

Парпи хотиржам бўлди, гўё Қаршибой сув эмас, малҳам ичди.

Парпи ёйилиб кетган отларни тўплагани чопиб кетди.

Қаршибой ингради, кўлларини кўлтиғи остига суқиб минг машаққат билан тимириланди, ахтараётган нарсасини топди шекилли, кўлларини кўксига босганича жим қотиб қолди.

У шу ҳолича анча ётди. Кўзларини зўрға очиб, шамол кўтарган тўзонга қаради — ер тагидан гувиллаб эшитилаётган, ўлимим деб ўйлагани қуюн экан. Парпи кўринмас эди.

Унинг умри ўчаётган шамдек охирламоқда эди. У умрининг сўнгги дақиқаларида, ниманидир истар, оғзини каппа-каппа очиб кимгадир васият қилмоқчи бўларди.

Ниҳоят, бир амаллаб кўксидаги кўлларини ёнига туширди, орик панжалари орасида, гижимланавериб эскириб кетган кўкимтир пул бор эди. У пулга қарай олмади. Бир ёнига қийшайди-да, бир зумда, ҳеч қийноқсиз, осонгина ўлди қолди.

Унинг ўлимини, бу шўрпешона, аммо бир парча ерга муҳаббати буюк бўлган, виждони тоза, қашшоқ одамнинг ўлимини — табиат сезди: тўсатдан кўтарилган шамол ва бирдан ёға бошлаган ёмғир — табиатнинг унсиз фарёди эди.

Парпи гирдоб орасидан чиқиб келди. У қийшайиб ётган отбоқарни кўриб, хайрият ухлабди, деб ўйлади. Енгил тортиб унга яқинлашди.

Шунда... шунда бирдан қичкириб юборди. Беихтиёр нари қочди. Отбоқарнинг кумга тўлган очиқ кўзларини ёмғир ювар эди.

Парпи ҳушини йиғиб, ўзини босди, шу фурсатда бирдан ўзини улғайган ҳис қилди. Энди отбоқарга эмас, мурдага яқинлашди.

Қанақа сахий, меҳрибон киши эди бу серсоқол одам! Мурданинг лаблари кўқариб кетган эди.

Парпи пулни кўрди...

Йигитнинг кўзларидан иссиқ ва шўр ёш оқиб юзига, лабларига тушди.

Ёмғир шиддат билан ёғар эди. Чўл шовулар, ҳамма нарсани янчиб, бузиб улкан дарё оқиб, келаётганга ўхшарди, атрофда даҳшат ва кўркув ҳукмрон эди.

Парпи тинмай йиғлар эди.

Серсоқол киши унга ҳам ота, ҳам ака, ҳам дўст эди. Ўлим уларни айирди. Энди Парпи танҳо! У ўликнинг устига чопонини ёпди.

«Кўлидаги пулни нима мақсадда олган бўлса?»

Парпи бойга хабар қилгани, кўрғон томонга от чоптириб кетди.

Ёмғир шиддат билан ёғмоқда эди.

— Э, ўлдими? — деди бой, — мендан қарздор эди, баччағар! Тўламасдан ўлибди-да. — Бой иккита чорикорига буюрди. — Жинғилнинг тагида экан, жойига кўмиб қўя қолинглар. Ит эгасини танимаётган замонда, мурданинг гўристонга қўйилиши шарт эмас.

Бой паст ва разил одам эди. Бу гаплар Парпига тушунарли бўлди...

Ўша ҳафта, Парпи у ердан қочди, энди у ўз она қишлоғига кетиб борарди. У қочиб анча масофани босиб ўтди. Бу масофа қуруқ йўл узунлиги эмасди, катта ҳаётнинг ибратли бир қисми эди.

## VII

Чол анча вақтгача оғир нафас олиб индамай ишлади. Назарида ҳамон чўл йўлида қочиб бораётганга ўхшар, чўлнинг эса охири кўринмас эди. Чол шу топда, ўша Гадейбойнинг кўрғонидан саккиз чақирим бериди турибди.

Ўша эски қўрғон ўрнида янги бинолар қад кўтарган. Бу биноларнинг қок ўртасида энди Гадейбой эмас, кишлоқ советининг раиси иш олиб боради.

Биноларнинг чап томонида атрофи баланд цемент девор билан ўралган «Ленин» колхозининг гаражи жойлашган.

Гаражга — трактор ва машиналар тинмай қатнаб туради. Биноларнинг юқори томонида: шу колхознинг фермаси жойлашган.

Ниҳоят чўлнинг охири кўринди. Совет кишилари, йигирма йил давомида, Мирзачўлни кува-кува, охири уфққа бориб тутишди. Чўл — уфқнинг йўли экан.

Аммо чолнинг назарида, чўл ҳамон олдинга қараб қочиб бораётганга ўхшар, шунинг учун ҳам унинг охири кўринмас эди.

— Кейин нима бўлди?

Тегирмоннинг янги эгаси — Мамат жувозчи эди. Мамат жувозчи бедарак йўқолган Парпининг топилганини, кишлоққа қайтиб келганини эшитиб безовта бўлди. Бу беҳосият бола, бир кун эмас, бир кун отасининг тегирмонини қайтариб олади, деб ўйлади. Чунки боланинг отасигина эмас, боболари ҳам шу тегирмондан кун кўришган.

Мамат жувозчи кишлоқда юрган Хидирни ўйлаганда, кўнгли ғашланмас, бу лапашанг боланинг ота мулкига талашишига айтарли ишонмас эди.

Шундан анча хотиржам эди. Парпи, Парпи...

Мамат жувозчи беҳуда ғашланмаган эди. Ўша ҳафта у Парпини икки марта тегирмон яқинида кўрди. Учинчи марта кўзи тушса, боланинг қулони чўзиб қўйишга аҳд қилди. Учинчи марта ҳам кўрди...

Парпи сув ёқалаб, оёғи тагидаги қумли тошларни ғижирлатиб босиб келарди. Токка совук тушган бўлиб, қоп-қора улкан қоятошлар устидаги қуёш худди қоқи гулига ўхшаб, кишига жонсиз боқарди.

Баҳорда қўм-қўк майсалар биан қопланиб ётадиган тоғ бағри ҳозир қоп-қора тошлар маконига айланган.

Парпи тоғни, кишлоқни қаттиқ соғинган эди, айриликдан кейинги дийдор кўришув дарбадар болани улғайтирди, унинг кўнглида севги уйғотди. У биринчи марта, анчайин болага хос эмас, эркакка хос — юрак-юрагидан хилватда йиғлаб, аравакашни эслади...

«Тегирмонни ташлама, ука,— такрорлади аравакаш ғойибона.— Ота моли — ота юрти. Ота юртни сотиб бўлмайди».

У оёғи тагидаги қумли тошларни ғижирлатиб, ота мулки — тегирмон томонга келар эди. Унинг ёш қалбида тоғни қучишга бўлган бир иштиёқ, севги ёнар эди. Унинг ёш қалби — тоғ лоласига ўхшар — қуёшдай иссиқ ва сероташ эди.

Парпи бирдан тўхтади. Қошлари бир-бирига тутшиб, кўзларини тикиб ўзидан йигирма қадамча нарига — сув юзига қаради. Сув юзида қандайдир қизил нарса гоҳ чўкиб, гоҳ қалкиб, гоҳо сув тагидаги тошларнинг тўлқинига урилиб оқар эди.

Парпи югуриб сувнинг оқимини қувиб етди, оқиб кетаётган қиз бола эди. Парпи қизни қутқаргач таниди. Бу Мамат жувозчининг Боғзод деган қизи эди. Боғзод сув ёқасида бурнини чуқалаб, тошлардан «уй» ясаб ўйнаб ўтирганди, Парпи ўтаётганда хўмрайиб қўғирчоқларини яширган эди.

У Боғзоднинг бошини ерга қаратиб силкиди (отаси раҳматли бир марта Муртоз амаксининг қизи Рихсол сувга тушиб кетганда шундай қилган эди), оғзига қўл сукиб қусдиришга ҳаракат қилди. Бир оздан кейин қизчада ҳаёт нишонаси пайдо бўлиб мажолсиз ингради.

Парпи шоша-пиша қизчанинг қалта, қизғиш чопонини ечди, ҳўл буюмдан енгиллашган гавдани азот ва енгил силкий бошлади.

Боғзод анчагина сув ютган эди.

Ана шунда Мамат жувозчи Парпини учинчи марта кўрган эди.

Аввал нима воқеа рўй берганини англамади, сўнг англади-да, кайфи учиб кетди. Жонҳолатда қизига ташланди. Бу фалокатга Парпи айбдордек унга аччикланиб қаради. Раҳмат дейиш ўрнига бошлаб сўкиб берди.

— Сен бола тегирмон атрофида кўп айланаверма. Бу ерда отангининг ҳақки қолгани йўқ.

Парпи жим турарди. Унинг айби нима? Нега жувозчи унга дўк қилади?

Шу пайт, жувозчининг хотини — узун ва озғин аёл — Муаззам хола ҳалолаганича етиб келди. Эр ва хотин Боғзодни кўтариб кетишди.

Уша кун Муаззам хола қаттиқ кўрқканидан Парпига унча эътибор бермаган эди. Орадан икки кун ўтгандан кейин (ҳар қалай, жувозчи хотинига Парпи ҳақида, унинг Боғзодни қутқарганлиги ҳақида гапирган бўлса керак) Муаззам хола Парпини уйига етаклаб кирди. Эридан суюнчи сўраган-дек:

— Парпи келди,— деди.

Жувозчи хотинини жеркиб берди. Унинг бақалоқ гавдаси болта теккан те-  
ракдек қалтирар, коп-қора юзи бужмайиб, чуқур ва кулранг кўзлари хунук йилтирар эди.

— Ўтир,— деди жувозчи хўмрайганича ёқтирмай.

— Ўтир, Боғзоднинг халоскори! — деди Муаззам хола. Аёлнинг назарида Парпи анча-мунча эр етиб қолгандек эди. Бола отасига эмас, онасига кўпроқ ўхшаб борар, ўйчан кўзларида ёқимтойлик бор эди. Унинг бўйи хийла ўсган, кизариб турадиган юзидан қон қочиб, териси қуруқшиб қорайганди. Лаблари ҳам қалинлашиб, овози дўриллаб чиқарди.

— Бўйгинангдан ўргилай,— деб суйди Муаззам хола,— худо асрапти, соғ-саломат қайтиб кепсан. Қаерларда юрдинг, жоним коқиндик?

Парпи айтди.

— Муни қара-я, адашиб кетмаганингни қара-я! Шундай оғир замон-  
даям яхши одамлар бор-да айланай. Шулар бўлмаса дунё киртўполон бўлиб, адашганинги бари йўлини тополмай, қаерларда ўлиб кетади.

Жувозчи томоқ кириб хотинини гапдан тўхтатди.

— Ҳимм. Қўйларинг нима бўлди?

— Қандай қўйлар?

— Муртоз амакиндаги?

— Билмадим, — деди Парпи.

— Чоллар гап кўзғаган экан, амакинг «бермайман» депти. Бермаса бермайди. Бунинг устига сен тузини ичиб тузлиғига тупуриб кетдинг.

Парпи бошини эгди.

— Қимниқда турибсан? — билса-да, атайлаб сўради жувозчи.

— Акамниқда.

Муаззам хола Муртозбойнинг ноинсофлигидан ранжиб, ўз гапига қаттиқ ишонганча:

— Етимнинг нонини еган одам охир кўр бўлади! — деди.

Парпининг юраги сикилди. У жувозчи сингари, кишига ошқора ғараз-  
гўйлик билан қаровчи одамлар олдида ўтириб ўрганмаган эди. У аравакаш хамда серсоқол отбоқардай содда, меҳрибон одамлар тоифасидан эди.

— Нима иш қилмоқчисан? — сўради жувозчи.

— От боқиб ўрганиб қолдим. Қишлоқнинг эчки, қўйларини боқишда акамга ёрдамлашман.

Жувозчи сал бўлмаса: «Бел оғриқ касалига йўлиқдим, қийналяпман. Менга ёрдамчи бўл»,— деб юбораёзди. Ўз вақтида тилини тишлаб қолди. Хо-  
зир замон ўзгаряпти... Янги замон етимларнинг бошини силар эмиш. Агар

шу гап рост бўлса, бу боланинг тили чиқади, замонга таяниб тегирмонни кайтариб олади.

Жувозчи тегирмондан озмунча фойда кўряптими? Парпи жувозчиникидан чикиб, қабристонга борди. Ота-онасининг қабри тепасида узок ўтирди.

У қабр ёнида жимгина ўтирар экан, ҳеч ўрнидан тургиси келмас, назарида, дунёнинг энг тинч, энг адолатли жойи — шу қабристон эди.

Мачитдан чиққан шайх Қудриддин йўлнинг четида болага узок вақт қараб турди. Боланинг қабрга мук тушиб сиғинаётгани, ҳеч қаерга шошилмаётгани шайхнинг ихлосини оширди. У бир-бир босиб кирга, қабристонга кўтарилди.

Шарпадан чўчиган Парпи хавотирланиб орқасига қаради. Қора чопонли, аллақандай кўкимтир соқолли, товоқ юзли шайхни кўрди.

— Сиғинавер, бўтам! — деди шайх. — Падари бузрукворинг, волидаю мукарраманг, — ўрнидан туриб ўтирди. — Кулоқлари сенда. Кўзлари сенда. Нолайи дардингни уларга вокиф эт, бўтам...

Парпи жимгина ўрнидан турди, тиззасидаги чопонининг баридаги чангни коқди.

Шайх Қудриддин Парпининг чап қўлидан оҳиста ушлаганча мачитга етаклади. Мачит ва қабристон ўртасида узун йўл бор эди.

Парпи шайхдан гап кутар, шайх эса оғиз очмас, гоҳ-гоҳида «Ўзинг кўллагайсан, тангрим», деб кўярди.

Шайх мачит остонасига оёқ босди-ю, ичкарига кирмади. Ниманидир ўйлаб, семиз қўли билан кўкимтир соқолини тутамлаганча, Парпини қаёққадир етаклади.

Мачитнинг устида, адир бағрида, шоҳлари тарвақайлаган кекса тут дарахти бор.

Жонтут—кишлоқ аҳли сиғинадиган муқаддас жой.

Шайх Қудриддин Парпини ўша муқаддас тут сари етаклаб борарди.

— Отанг олтин одам эди, — деди у, — онанг кумуш хотин эди. Худонинг асл фарзандлари ўшалар эди, мўмин бандалар эди. Муқаддас Жонтутда ота-онангнинг ўчмас излари бор...

Шайхнинг тўхтаб-тўхтаб, дона-дона килиб гапириши Парпини ҳаяжонлантирди: ғусса билан ураётган юраги ҳапқирди. Шу топда шайх кўзига сирли бўлиб кўринди.

Ҳақиқатан ҳам шайх кишлоқ одамларига ўхшамас, мудом ёлғиз яшашидами, номаълум томондан келганидами, ёхуд кўкимтир соқолидами, ёки катта салласидами, ишқилиб, бирор нарқасида — қандайдир сир бор эди.

Художўй ота-онанинг фарзанди — Парпи, бехосдан ихтиёрини йўқотган, хўрозқандга алданган боладек, ихтиёрсиз равишда ўша сирли куч соҳибига эргашиб борарди.

Тутнинг шоҳларига сон-саноксиз оқ ҳамда қизил латталар боғлаб ташланган эди. Бу ерда ўнгиб сарғайиб кетган латталар ҳам, кечагина боғланганлари ҳам бор эди.

Парпининг эсида: ўн икки ёшида боши оғриб ётиб қолганди. Унга турли хил гиёҳларни қайнатиб ичиришса ҳам наф бермасди. Онаси бир саҳар чинқириб уйғонди. Тушимда мени туя қувиб юрипти, деди, деб ҳаммани уйғотди. Сўнг бош чайқади. — Катта, кўзлари оловли туя. Оғзидан ўт пурқайди. Тушдаги туя — бу авлиё. Жонтутга сиғинайлик, отаси. Сиғинмасак, Парпидан айрилиб қоламиз.

Бу илтимосга отаси қарши чиқмади.

— Ҳа, тушдаги туя — бу авлиё, — деди холос.

Қуёш кўтарилиб тонг ёришганди, отаси билан Парпи эшакда, онаси



эса пиёда йўлга тушишди. Отаси бир қўли билан жуллари ўсиқ, чап шохи синган, бели оқ эчкини етаклаб келарди. Онаси тугунчак кўтариб олганди.

Эчкини сўйишиб, қонидан Парпининг пешонасига, кулоклари ортига суртишди, тут тагидаги булок сувига юзини ювишди.

Ўшанда онаси тут шохларига иккита оқ, иккита қизил латта боғлаганди...

Бу ерда ўша латталар ҳозир ҳам борми, ёки йиллар шамолида учиб кетганми — айтиш қийин.

Хар қалай, Парпи латталарга кўз югуртирди.

Шайх Қудридин шохларда илиниб турган латталарнинг айримларини қайта боғлади. Булокнинг ёнидаги садақа танга ташланадиган, худди сопол товоқни эслатувчи тошга қараб қўйди. Тош куп-қуруқ эди.

— Бўтам, муқаддас булокнинг сувига юзингни юв, ич, дардинг енгиллашади,— деди шайх Қудридин.

Парпи эсанкираб булок сувига юзини ювди, ичди...

Шайх уни ўзига қаратди.

— Қиблагохингни хурсанд қиладиган бир савоб иш пешонангга ёзилиб турибди, бўтам. Сенга оллонинг назари тушди. Авлиё уйига, унинг зиёратгоҳига дастёр бўласан. Худонинг бу марҳаматини мўминлик билан қабул қил. Банди мўмин худонинг амрига, марҳамат, деб қарамоғи даркор. Худо амри ҳақ.

Парпи дафъатан гап нима устида эканлигини тушунмади. У эсанкираб, ўзлигини йўқотиб турарди.

Шайх Қудридин давом этди:

— Дарбадарлик кўрдинг, бўтам, бошинг тошга тегди. Қисмат тоши баландда эмас, оёқ остида. Эгилдинг, эзилдинг... Мачитга кел, авлиё уйининг дастёри бўласан.

Ниҳоят, Парпи гап нимадалигини тушунди. Тушунди-ю, енгил тортиб, қувонди.

— Хўп,— деди шоша-пиша.

— Баракалла, бўтам.

Шайх олдинда, Парпи орқада мачит сари йўл олишди.

Кишлоқда шайхнинг обрўси баланд эди. Шунданми, Парпи ҳам тезда чолларнинг тилига тушиб қолди. Уни «оёқ-қўли чакқон, художўй бола», деб мақташар эди. Бу мактовлар Муртозбой амакисининг ҳам кулоғига етди, эски жаҳлидан тушиб, амакилик хурматини кадрлаган ҳолда, Парпини «ўғлим», деб атади. Зиёфат берганда, узокдан меҳмонлар келганда чакирадиган бўлди. Баъзан қизиқиб кетиб, узокдан келган меҳмонларга «Шайх Қудридинга ўзим етаклаб бордим, суяги бизники, гўшти сизники, дедим. Умрини худо йўлига бағишласин, мачитга олинг, дедим. Мана менинг сўзим билан мачитда дастёр бўлиб юрибди»,— деб юборар эди.

Жонтут, мачит ва қабристон Парпининг бошпанасига, тўғрироғи, Ватанига айланди. Бу улуғ Ватаннинг энг доно, энг адолатли, энг сахий одами, шубҳасиз шайх Қудридин эди. Парпи шайхнинг ўзи қолиб, соясига таъзим қилар, аста-секин: аравакашни, тегирмонни ва «пешонаси кенг... қизил»ни унута бошлади. Аммо ўзга бир бегона киши билан қутилмаган учрашув, кейинги воқеалар — аравакашни, тегирмонни ҳамда «пешонаси кенг... қизил»ни эсига солди, эсига солдигина эмас, ҳаётининг мазмунига айлантирди. Шуниси қизиқки, иккинчи бегона киши — қиз бола эди. Бу қиз тоққа Зоминдан, яъни район марказидан оиласи — ота-онаси билан кўчиб келди.

Одамлар орасида шундай гап тарқалди: «Темир нўғай уста эмиш. Ёғочдан эшик, дераза, сандал, сандиқ ясар эмиш. Саодат деган қизи — кишлоқ болаларини ўқитар эмиш. Уларни ҳукумат жўнатибди. Асли нўғай бўлгани

билан, ўзбекчани сувдай ичар эмиш...

Шу тарика, кишлокка дурадгорлик маданияти кириб келди.

Албатта, кишлокдаям арча ёғочидан эгар ва дўмбира ясайдиган қўли гул усталар бор эди. Бирок улар дурадгорликни қасб қилиб олган эмасди. Ўзлари учунгина буюм ясашар эди.

Саодат деган киз тахминан, йигирма ёшларда бўлиб, ҳали турмушга чикмаганди. У чехраси очик, оппок юзли, кўзлари мулойим киз эди. Саодат одамга нимадандир хуркканга ўхшаб, кўзлари жавдираб кулимсираб қарар эди.

Саодат кишлокда ўн кунча бекор юрди. Чамаси дабдурустдан иш бошлашга ботинолмади. Қолаверса, бу ерда мактаб биноси йўқ эди. Мактаб очиш эса — анчайин осон иш эмасди. Бу ерда одамларнинг ўз мактаби бор, бу — мачит.

Нихоят, Саодат уйма-уй юриб, мактабга муносиб болаларни рўйхатга олди. Болаларнинг кенжаси ўн ёшда бўлса, каттаси йигирма ёшгача бор эди.

Юзи очик, эркак билан эркакдай гаплашадиган бу кизни албатта ҳамма бирдек очик чехра билан қаршиламас, кимдир сўкиниб эшик очар, кимдир, умуман эшигини очмас эди. Кишлоқдагилар орасида унга ит олқишлаганлар ҳам бўлди.

Райондан бир ҳарбий киши ва яна бир «каттакон» келиб, мачитнинг ўнг биқинида яшайдиган Ҳайдарали деган одамнинг дон соладиган томчасини — қанчадир пулга — мактабга олиб берди. Сўнг ўқиш лозимлигини кишлок одамларига тушунтирди. Саодатнинг хаётига бутун кишлок аҳли жавобгарлигини айтишди.

Одамлар ҳайрон қолди. Шу юзи очик кизни ҳукумат намуноча кадрламаса? Унинг хаётига бутун кишлок жавобгар эмиш. Гапни қаранг!

Саодатнинг рўйхатида болаларнинг сони олтмиштадан ошарди, бирок рўйхат бу — болалар эмасди.

Мактабга дастлаб еттита бола борди. Кейин саккизта бўлди.

Кейин тўққизта ... аста-аста ўн тўққизтага етиб тўхтаб қолди.

Ўша кунларнинг бирида Саодат отаси билан бирга, эшакда арчали тоғ устига чиқиб кетишди. Улар кун бўйи қор остидаги, кўм-кўк арчаларни кесишди. Қесилган арчани эшаклар ва аркон ёрдамида сойга тушириб, сувга окизишди.

Бир ҳафтадан кейин, ўша арча ёғочлари уста Темурнинг қўлида, болалар ўтирадиган узун стул ва скамейкаларга айланди. Бу нарса мактаб болалари ўртасида кизиқиш туғдирди.

Умуман, кишлокда мактаб ташкил топди. Унда қанақа ишлар бўляпти, Саодат болаларга нималарни ўргатяпти, булар Парпига қоронғи эди.

Парпи Шайх Қудриддиннинг муборак этагини маҳкам ушлаб, мачитни супуриб-сидирар, зиёратга келган одамларнинг қўлларидан нарсаларини олар, чой қайнатар, адирдан ўтин келтирар, хуллас, аслида оддий бир дастёрлик, унинг алданган назарида эса «муқаддас» бир иш билан машғул эди.

Шайх Қудриддин унинг чаққонлигини, ҳалоллигини, астойдил худога сифинишини ҳар тонг, ҳар кеч мактаб гапираркан, мактовларини доим бир йўсиндаги насихат билан тугатар эди.

— Шукр қил, бўтам. Охиратни, нариги дунёни ёдингдан чиқарма. Бу дунё — фоний дунё. Бу дунёнинг зарур иши — худо йўлида қурбон бўлишдир. Кимки худо йўлида қурбон бўлса, у дунёда жаннатдан ўрин олади. Билки, одам — ҳаром жинс. Одам хаёти — ҳаром хаёт. Бу ҳаром хаётни покламок жаннат сувидан ичмоқ, демакдир. Бўтам, сенинг хизматингни кўриб, ҳар намози шомда жаннати бўлмоғингни худодан сўраб турибман. Сен фақат шукр қил, шукр қил...

Аслида ҳам Парпи корни нонга тўйиб, бировдан дакки емаганига шукр қилиб юрар эди.

Кутилмаганда, уни йўқлаб Саодат мачитга борди. Парпи мачитда йўқ эди. Шайх Қудриддин ҳам кўринмасди. Саодат Жонтутдан бошланадиган ёлғиз оёқ йўлдан адирга кўтарилиб кетди.

Бир кучоқ ўтин йиққан Парпи, бемалол одам сиғинадиган ковак тошли севимли жойида тиззасини кучоқлаганча иягини тираб ўтираркан, кўзлари — сойдаги тегирмонда эди.

У осмонни кора булут колаганини, нақ тепасидан сузиб ўтаётган булутларнинг сояси ерда судралиб бораётганини пайкамади. Яна у кишлокнинг юқорисидаги Омонқўтон дарасига ёмғир ёғаётганини, ёмғирнинг кишлокка тобора яқинлашаётганини сезмади.

Парпи сойдаги тегирмоннигина кўриб турарди.

Елғиз оёқ йўлдан кўтарилган Саодат, тош томонга бурилиб, аввал ўтинни кўрди. Сўнг тиззасини кучоқлаб ўтирган Парпига кўзи тушди. Қиз нимагадир Парпи йиғлапти, деган фикрга борди. Шу туфайли унга яқинлашишга ботинолмади. Овоз чиқаришга ҳам чўчиди.

Ёмғир томчилади, бирдан кучайди, сўнг шатирлаб ёға бошлади.

Парпи бирдан чўчиб уйғонгандек бош кўтариб, ўтинга каради. У ўтин билан бирга бир жуфт этикни, қизил кўйлак этагини кўрди. Қиз кора шол рўмол ўраган бошини чап елкасига хийла кийшайтириб, лабларини маҳкам кимтиб кулимсираб турарди.

Шайх Қудриддиндан худонинг ердаги махлуқлари — фаришталар хақида кўп сирли гапларни эшитган Парпи, бу қизни фаришта, деб тушунди. У нима қилишини билмай қолди. Қиз ҳамон индамас, ёмғир эса қизни беаёв саваламоқда, ўтин ҳам ивимоқда эди.

Парпи шошиб тош қавагидан чиқди-ю, юзига ёмғир томчилари урилиши билан мудроқ хаёллари тарқаб, кўзлари мошдек очилди. У Саодатни таниди, аммо сўз қотмади. Шайх Қудриддин бу қизни «шайтоннинг боласи» деб атагани. Шайтон эса одамни йўлдан адаштиради, юрт ва элдан бездиради, худони унуттиради.

Парпи ўтинни кучоқлаганча яна тош қавагига кириб бошини эгиб олди.

Шунда бирдан бир жуфт этикча унга яқинлашди. Тўхтади.

Ёмғир ҳамон шитирлаб ёғмоқда эди.

Парпининг шундоқ кўз олдида, иккита этик кимирламай турар, этик тумшугидан ёмғир томчилари сирғалиб ерга тушар эди.

Парпи бу қизнинг «шайтоннинг боласи» эканлигини, ёмғир уни аёвсиз савалаётганини ўйлар эди-ю, оддий бир нарса — одамгарчилик хаёлига келмасди.

Шайх Қудриддин унга шундай сабоқ берган: «Бу дунёда ҳар бир одам ўзига жавобгар, ҳар бир одам феълига яраша ё бой яшайди, ё кашшок. Одам фақат ўзини ва охиратни ўйлаши керак. Бошқаси бефойда гаплар».

Парпи шу туришида бошини эгиб ўтираверди. Айни вақтда юраги сиқила бошлади. Жимлик, ёмғир шитирлайди, холос.

Ниҳоят, Саодат:

— Менга жой берсанг бўларди,— деди. Қизнинг бошидаги рўмоли, елкасидаги костюми ёмғирда оғирлашган эди.

Парпи туриб кетмоқчи бўлди. Бирок мачитгача анча йўл. Ёмғир тинмас, ўтин ивийди, мачитда эса курук ўтин йўқ.

У қизнинг гапини эшитмаганга ўхшаб, бош эгганча жимгина ўтираверди.

— Жой бераман десанг, иккимиз ҳам сиғамиз,— деди Саодат.

Парпи ғулдиради:

- Ўтин-чи? Ўтинимни нима қиламан?
- Ўтининг шунча азизми?
- Шайх Қудриддин отамга нима дейман?

Парпи бошқа гапирмади, қавакдан ҳам чиқмади.

Саодат осмонга каради: булутларнинг боши узоклашиб осмон ёришиб борарди.

— Ҳозир ёмғир тинади,— деди Саодат,— яна булутлар кетди. Қуёш кўриняпти.

Парпи индамади. У хўмрайиб ўтирганча, гоҳ-гоҳида кўз остидан пастга — мачит томонга қараб қўяр эди. «У ичида худодан кучли ёмғир, иложи бўлса дўл ёғдиришни тилади. Дўл ёғса, бу ўқитувчи опай, ёмон кўриб айтганда «шайтоннинг боласи» этигини кимиралиб жўнаб қолади.

У Саодатга тош қавагидан жой бермоқчи эмасди. Умуман, у тош қавагини ҳеч кимга бермайди. Чунки бу қоп-қора, улкан тош — ёлғиз уники. У бу тош қавагида ўтирса, ўзини бахтли сезади, бошпанаси борлигидан қувонади. Қолаверса, тош сойда эмас, баландда, нақ адирнинг устида. Бу ердан бутун кишлок — одамлар, сигирлар, қўйлар кўришиб туради. Истаганча тикилиб, кузатиб ўтириш мумкин. Ердан зериксанг, бошингни кўтарасан, ана осмон. Бу ерда осмон жуда яқин. Бундан ташқари тош қаваги осуда ва беҳавотир жой, кейин мустаҳкам ҳам. На ёмғир ўтади, на дўл. У бўлса шу қоп-қора, улкан тошнинг эгаси. Унинг бошқа бойлиги ҳам йўқ.

— Нега индамайсан? — сўради Саодат.

«Мени алдаяпти...— деб ўйлади Парпи — алдаб тошимни олмоқчи. Бериб бўлман. Бу тош фақат меники. Ҳа, меники!»

— Ана ҳаво очилди! — деди Саодат.

Қиз айтмаса ҳам, Парпи ҳавонинг очилишини билиб турарди. У бунақа шиддатли, қисқа ёғадиган ёмғирни, тош қавагида ўтириб кўп кўрган. Боши устида момақалдирок гулдураган, чакмоқ чакқан, хатто сел ҳам қуйган...

Бу дафъа чакмоқ чакмади, момақалдирок гулдурамади. Соя турган қавагига, тарам-тарам қуёш шуълалари тушди. Ҳавода тоғ қушларининг вижир-вижири эшитилди.

Парпи туриб ўтинни кучоклаб, йўлга тушмоқчи бўлди, бироқ, тошни қизганиб кетолмади.

— Адирда нима қилиб юрибсиз...— деди ҳамон ўша хўмрайишида. Унинг ўзини тутиши, муомаласи, аразчи боланикига ўхшар эди.

Саодат ёлғонданми ёки ростданми, тиник ҳавони жаранглатиб қулиб юборди. Сўнг бошидаги рўмолини ечиб узок силкиди, нам теккан сочини текислади, киссасидан рўмолча чиқариб юз-кўзларини артди.

— Ўзинг-чи, сен нима қилиб юрипсан? — сўради Саодат рўмолини қайта ўраётди.

— Ўтин тердим.

— Мен эса сени излаб келдим!

— Мени-и? — Парпининг кўзлари қисилди. Саодатнинг ковоклари кенгайди.

— Ҳа, сени!

— Мен ўқимаيمان! — деди Парпи кескин.

— Нимага Парпи?

Парпи жавоб бермади.

— Ўқилинганга шайх жавоб бермайдими?

— У кишига тил теккизманг!

Саодат чўчиб тушди.

— Кетинг! — деди Парпи жеркиб.

Саодат бу гал суҳбат қовушмаслигини, Парпининг шайхга ихлоси зўрлигини тушунди.

— Ҳикмасанг, ўзинг биласан,— деди Саодат,— майли ўқима. Шайхга ўтин териб юравер.

Жимлик.

— Сендан бошқа нарса ҳақида сўрамоқчи эдим. Менга чўлга борганинг-ни гапириб бермайсанми?

— Йўк.

— Агар айтиб берсанг, мен район ҳақида сенга гапириб берар эдим.

Парпи «район» деган сўзнинг маъносига тушунмади. Бунга сўрай дедию, лекин сўрамади.

— Эртага ҳам ўтин теришга чиқасанми?

— Ҳа,— деди Парпи астагина.

— Мен ҳам келаман.

Парпининг бола қалбидаги қизғаниш туйғуси қайта уйғонди.

— Биласанми, Парпи, мен сенга жуда қизик гапларни айтиб бераман.

Эшитасан-а?

Парпи на «ҳа», на «йўк», демади.

— Хайр,— деди Саодат. У кета туриб Парпига суҳбатимизни шайх Қудриддинга айтма, деб тайинлади.

— Қўрқар экан! — деб ичида қувонди Парпи,— келаверсанг охир айтаман.

Саодат кетди.

Парпи ўша куниёқ шайх Қудриддинга Саодатнинг уни излаб адирга борганини айтмоқчи бўлди. Лекин ўзи ҳам тушунмайдиган қандайдир бир туйғу, тилини боғлаб айтолмади.

## VIII

Эртаси куни ҳаво очиқ бўлди. Осмон — дош қозондаги кўм-кўк тоза сувга ўхшарди. Қуёш чараклаб, тоғ бағри кулранг тусда товланарди.

Улар яна ўша қоп-қора, улкан тош олдада учрашди. Яна аввалига Парпи хўмрайиб ўтирди. Саодат кулимсираб тик турди. Парпи негадир бу қиздан ҳайиқар эди...

Қиз қанча ўқитмасин, барибир у ўқимади. Хўш, нима учун энди ўқиши керак экан? Ёш жонида қасди борми? У эндигина иссиқ жой топди. Усти бут, қорни тўк бўлди. Биров унга озор бермаса. Оддийгина Парпи эди, бу ерга келиб Парпижон бўлди. Энди шайх Қудриддин отаси, бирорта мўмин-мусулмоннинг заифасига бошини қўшиб қўйса, худонинг марҳамати билан оилала бўлади. Ҳа, эндигина иссиқ жой топди. Бу жойидан айрилса, тагин дарбадарлиги бошланади. Энг ёмони охиратда дўзах азобини тортади. Ўқитувчи қизнинг борадиган жойи ўша даҳшатли дўзах.

Шайх Қудриддин отаси, шайтон — инсон боласини алдаш учун, унинг юрагидаги мусулмонликни йўк қилиш учун, хору зор қилиш учун соядай кетидан эргашиб юради, дегани рост экан. Мана Саодат унинг орқасидан соядай эргашиб келибди.

— Неча ёшдасан Парпи — қўққисдан сўради Саодат.

Парпи иягини қашиди, тезда жавоб бермади. У ўн беш ёшда эканлигини билар эди, лекин бунга ўзи ишонмасди. Назарида ё ўн иккида, ё ўн учда эди.

Саодат саволини такрорлади.

— Ўн ёшдаман! — деди у қўрслик билан.

Саодат тиззалаб ўтирди.

— А?

— Ўн бешдаман,— ўрнидан туриб, тўғри жавоб берди Парпи. Унинг мулоим боқувчи кўзларида адашган мушукнинг кўзларидаги сингари ёв-

войилик ва ҳорғинлик бор эди.

— Ўтир, ўтир! — деди Саодат.

— Йў-ўк, кетаман.

— Қаёкка?

— Мачитга.

— Ўтир, — такрорлади Саодат.

Парпи ўтирмади, тошга суяниб тик турди.

— Ҳиммм... — деди Саодат, — ўн беш ёшдасан-у, совет ўқитувчисини хурмат қилмайсан. Сенинг ёшингда ўртоқ Ленин жуда кўп нарсаларни тушунган. Ҳа, ўртоқ Ленин жуда кўп нарсаларни тушунган, — такрорлади Саодат, — ўртоқ Ленин ўзидан катталарни хурмат қилган. Сен эса... Эҳх!

Ўртага жимлик чўкди.

Саодат бирдан жонланди.

— Ўртоқ Ленин сенга ўхшаганларни албатта ўқиши керак деган. Шунинг учун, мактаблар очган. Ўртоқ Ленин камбағалларни, камбағалларнинг фарзандларини севган. Сен ўзи ўртоқ Лениннинг кимлигини биласанми?

— Билмайман, — деди Парпи. Унинг қовоғи хийла очилган эди.

— Ҳа-а... тўғри, билмайсан.

Саодат ўйланиб қолди.

Шунда Парпи бехосдан аравакашни эслади. Валакандазни кўрган энг одил, энг яхши одам кўзларига кўриниб кетди. Гўё у, Парпига имлаб: «Бу киз билармон чикди-ку. Янги, янги гапларни айтаётир. Шунга қараганда, кизилларнинг кимлигини ҳам биладиганга ўхшайди», деб ўйлар эди.

Озорланган ёш қалбнинг, инсонга бўлган биринчи муҳаббати ғолиб чикди. Аравакашнинг ҳақки хурмати, Парпи Саодатга яқин силжиб ўтирди.

— Сиз ҳамма нарсани биласизми? — деб сўради.

Саодат қулди. Қизнинг тишлари оппок ва текис эди.

— Ҳамма нарсани биламан! — деб мактанди.

— Валакандазниям-а!

— Валакандаз? Нима у?

— Валакандаз... Валакандазми... Билмайман. Аравакаш билади.

— Қайси аравакаш. Ким у?

— Яхши одам, энг яхши одам.

— Энг яхши одам, аравакаш эмас, — деди Саодат, — энг яхши одам — Ленин! Ленинни эшитганмисан ўзи?

— Йўқ, у нима иш қилади?

Парпининг кизика бошлаганини сезган Саодат, гарчи ўзи ҳам Ленин ҳақида тўлиқ фикрга эга бўлмаса-да, ажиб бир қувонч ва шавқ билан Ленин тўғрисида эшитганларини гапира кетди.

Парпи бехосдан сўради:

— Ленинни кўрганмисиз?

— Кўрмаганман.

— Мен аравакашни кўрганман!

— Мен Ленинни кўраман! — деди Саодат. — Москвага бориб, албатта кўраман.

Шундан кейин Саодат Лениннинг ўлгандигини, жасади Москва деган жуда катта ва йирик шаҳарда сақланишини, унинг аслида ўлмаслигини гапириб берди.

Бу биринчи танишув, катта келажакнинг илк эзгу суҳбати эди. Кейинги суҳбатлар... мактаб бўлди.

Чол олис-олисларга тикилиб қолди.

«Саодат Москвага бордимикин? Ленинни кўра олдимикин? Ҳозир тирикмикин?»

Раҳмат сенга Саодат! Омон бўл, умринг узок бўлсин; Доим бахтли яша! Раҳмат сенга!»

## IX

— Мунча тўмсираясиз, мунча лабингиз пирпирайди? Енингизга келсам ёқтирмайсиз. Кетаман. Ўзи нима бўлди? Мунча нимани ўйлайсиз? Ниманинг ҳисоб-китобини қиласиз, ё бирорта кампир-пампир... бир бало бўлган сизга! Абдукаримга айтаман! Отанг мени ёмон кўради дейман.

— Мени тинч қўй, — деди чол. — Умримни ўйлаяпман, умримни ҳисоб-китобини қиляпман. Хотираларни тарозига қўядиган пайт келди. Сен семиравер, тарозига танангни қўясан. Мени бўлса тинч қўй. Ўйлаб қўришим керак Нима бўлаяпти ўзи? Тағин янги гаплар кўпая бошлади. Тағин мен эскиман... Ўйлаб олишим керак. Ҳар ҳолда бунга имкон бор. Сен семиравер, сен ўйлама, ҳеч нарсани эслама. Сенга бари бир, семирсанг, ухласанг бўлди...

Одамлар қаёққа, нимага шошяпти? Яшаганда ҳам оддийгина яшаш мумкин-ку. Яшаш учун тўпалон қилишнинг қанака зарурати бор? Ўйлаб олишим керак. Ахир мен отаман — ўғлимга жавобгарман. Уни беҳуда тўполондан сақлаб қолсам, дейман.

— Ана, ана, ана! Мени ёқтирмайсиз! Вой, бировга айтсам ишонмайди. Туппа-тузук чол, дейди. Меҳрибон, одампарвар, дейди. Одампарвар-а, одампарвар. Бағритош, золим! Тош қотиб ўтиравеинг, Абдукаримга айтаман...

Кампир бўш бочкадек пилдираб ҳовлига кетди.

— Хой, тўхта, — деди чол.

— Э, тўхтаган ўлсин!

Чол кикирлаб кулди...

— Боласан-да! — деб ўрнидан қўзғалиб ишга уннади.

Дарахт қариётган эди...

Ўттиз ёш, одам боласи учун навқирон давр. Куч-ғайрат, шижоат, мўъжизалар даври. Ўттиз ёш, дарахт учун бутун бир умр. Начора, у чинор эмас, унга минг йил яшаш насиб қилмайди. У оддий қора тол. Ҳар ҳолда оддий-да.

Дарахт, аллақачон ўсишдан тўхтаган эди. Танасини кериб, ўзини дунёга қўз-қўз қилмокка вақт ўтганди. Лекин дарахт ҳамон, ҳар баҳорда яшнаб туришга интилар, япроқларини мусика қилиб уйғотар, ҳар бир шохини қушларга юрт қилиб, мовий кенгликнинг муаттар шамолига таъзим айлар эди. У ҳамон ўз дарахтлигига, шў билан бирга инсонларга содиқ эди.

Ҳаммаси ёдида, бугун ҳамма нарса унга тушунарли. Танасидаги пўстлоқлар тарих, хотиралар, ажинлар. Ёдида: у нимжон ниҳол эди, бу ерлар чўлу биёбон эди. Одам уни ерга ўтказди, меҳр билан парваришлаб қаддини тик қилди.

Кунлар туғилди, кунлар кечди. Одам уни севарди... Дарахт — ўша одамларнинг севгиси. Севги қаримайди, лекин дарахт қариётган эди. Бу кўнгилсиз гапни, дарахтнинг қариётганини, ўша меҳрибон, олижаноб одамнинг олифта студент ўғли, бундан уч ой олдин бақалок онасига айтган эди. У яна, «кесиб ташлаш керак, ўтиндан бошқага ярамайди», деганди.

Шунда дарахт қаттиқ шовиллаб, япроқларидан мусика таратди, шохида қушларини сайратди. Олифта студент бепарво эди, у дарахт навосини, ноласини англамади.

Шунда, дарахтнинг айрим япроқлари сарғайиб тўкилди.

О, мудхиш сариқлик! Дарахт қариётган эди...

Чолнинг елкасидаги оқ ятак қора терга ботган эди. Хуморидан чикиб ишлади. Кетмонига таяниб, кадрдон меҳнатнинг ҳаётбахш ҳароратини сезиб ишлади.

Узоқ йиллар раисликда, кўпинча раҳбарлик қилишга тўғри келди, от минди, кетмон билан дардлашишга фурсати оз бўлди — оғзи буюрди, оёғи бажарди. Чўлни ўзлаштирамиз, партия ва халкнинг топшириғини аъло бажарамиз, деб куйиб-ёнди.

Мана, энди пенсияда. Мана, энди ўз ховлисида, ўзининг бир парча томоркасида. Тағин қўлида кетмони. Одамни ишдан айирмасин, деди чол ўзича. Офтобга қараб-қараб томоркадан чиқди.

Ховли жимжит. Кампири кўринмайди. Ўғли Абдукарим қаёқда?

Ха, дарвоқе, онаси уни: «Зарур иш билан шаҳарга кетди»,— деди-я. Зарур иш орқасида юрган бўлса яхши-я?

Чол барок қошларини силаб, дарахт остига ўтирди. Бу ер салкин эди, онда-сонда битта-яримта япроқ тўкилиб турарди.

Чол ўғлини ўйлар эди. Қанақа одам бўлар экан?

Шунда бехосдан, ўтган йили Зоминга ота юртига борганлари, ўғлининг айрим шубҳали ва ғаразли хатти-ҳаракатлари эсига тушиб пешонаси тиришди. Анча вақтгача дарахт пўстлоғига тикилиб, бошини чайқаб ўтирди.

Ўшанда, ота-бола Эшимнинг янги қизил «Жигули» сида тоққа чиқишган эди. Чол болалигидан шум ва мактанчок бўлиб ўсган Эшимни ёктирмасди.

Мактанчоклик одамни сотқин қилади. Чол ўғлини камтар кўришни истар, меҳнатидан ғурурланишидан хавотирланади, энг яхши хислатларини, энг азиз дўстларини пуллаб юбормасайди, деб тик гапиролмайди. Лекин кўнгли алланималарни сезади...

## Х

Эшим машинасини йўлда тўхтатиб, уч-тўрт марта сигнал берди. Унга чолнинг ховлиси кўриниб турарди. Ховлидан сигирлар чиқа бошлади. Болалар сигирларни қувиб ҳайдар, хотинлар хийла жадаллаб, чоллар судралиб пода ҳайдашар эди.

Йўлдан кўтарилган чанг жўрттага қилгандек машинага ёпирилар, чўгдай ёниб турган машинани хиралаштириб, рангини ўчираётган эди.

Эшим йўлни чангитаётган сигир ҳамда болаларни сўқди. У яна сигнал берди. Абдукарим чолиб келди.

— Хо-озир, Эшим ака!

Уфқда қизғиш қуёш кўринди.

— Ана кун ҳам чиқди,— деди Эшим,— эртарок жўнаш керак эди. Тоғ тонгда зўр. Хозир хаво ёнади. Биз-ку, майли, машина қийналади.

У бу гапларни айтиб, пешонасини тириштириб депсинганча очкўзлик билан машинасига қаради. Сўнгра Абдукаримга қаттиқ тикилди.

Абдукарим кўзларини опқочди, отасининг ховлида ивирсибми, тайсаллабми юрганидан ранжиди, миясига Эшимни жилмайтирадиган гап келмаганидан хушомадомуз илжайди.

— Чолларни биласиз-ку...— деди.

— Мен сени деб, сенинг сўзинг учун келдим. Тузук йигитсан. Отанг... минг сўм берсаям бирга юрмайман. Отанг ёнимда ўтирса, машинам — камокқа айланади.

Абдукарим ерга — туфлисининг учига қаради. Ғўдайиб турган Эшимнинг совук кўзлари қалбига тикандек ботса-да, бу тиканнинг захрини жимгина ичига ютди. Негаки, унинг фикрича машинали Эшим, ишдан қолдирган пиёда чол олдида ҳақ эди. Эшим бугунги кун одами. Яшаши, пул топиши, обрў орттириши, кимга ва нимага тезгина мослашишни билиши, кимнинг



ва ниманинг олдида ғўдайиб туришни боплаши — булар ҳаммаси, унинг замона либосини ўзига яраштириб кияётганида эди.

Отаси — кечаги кун одами. Ҳаракатдаги нарсалардан орқада... Ҳаракатсиз нарсаларни муқаддас деб билиб сиғинади. Шу эътиқод билан мана, Зоминга — тоққа боряпти. У ёқда на кишлок, на дарахт бор. Ҳаммаси йўқолиб кетган. Фақат қабристон жойида. Эскилик одами бўлмаса йўқолган кишлокнинг нимасини зиёрат қилади? Нимасини кадрлайди?

Абдукарим бир сафар: «Тоғ орасидаги ҳароба жойда нима киласиз, яшнаб турган Тошкентга юринг», — деганди, отаси ғалати қараш қилиб, уйдан чиқиб кетди. Отаси ғалати қарасин-қарамасин, бари бир ноҳақ. Бу дунёга келдингми, бунинг устига бир марта яшайсанми; яхши яшашни ўйлаш керак. Бошқаси икки пул.

Эшим аканинг бугунги устунлиги кўчада юришни билишида.

— Сен хижолат бўлма, — деди Эшим, — сен тушунадиган йигитсан. Йўлда мени зериктирма. Чолга гап бермасак — зерикмаймиз... Абдукарим ничида «ҳаракат қиламан» деди.

Чол тўнини ҳам олган, худди эски денгизчидек кема чайқалишига монанд, оёқларини хийла кериб, энгашиб, майда одим ташлаб машина томонга келарди.

Ќўдайиб турган Эшим, чол яқинлашмасдан ўз истагига қарши, беихтиёр илжайиб олдинга икки кадам ташлади.

— Э, ассалому алайкум, — деди. Сўнг ялтоғланиб жавраб кетди. — Зоминга борамиз дебсиз, Абдукарим айтди. Бобой кишлоғини соғинибди, деди. Масалани дарров тушундим. Бобой айтдимми... бизга қонун, дедим-да, йўлга тушдим.

Абдукарим мамнун жилмайди.

Чол ўзидан олдин, тўнини авайлаб машинанинг орқа ўриндиғига жойлади, сўнг ўзи ўтирди.

— Э, э, — деди Эшим, — олдига, олдига ўтинг. Оксокол одамсиз, орқада ўтирасизми?

— Орқаси тузук, — деди чол.

Эшим кулди.

— Ўғлингизнинг бўйнига тушган сочини томоша қилиб кетаркансиз-да. Хи-хи-хи. Майли, майли. Аммо сочини сўкманг. Ҳозир мода шунақа. Майли, майли, жўнадикми?

Кишлоқ йўли нотекис эди. «Жигули» силкиниб, сапчиб боради.

— Ёмон ерда яшаймиз, — деди Эшим, — машинанинг шўри.

— Ҳа, ҳа, — тасдиқлади Абдукарим.

Чол индамади.

Чолнинг хаёли аллақачон Зоминга — ота кишлоғига учган, кўз олдидан ўтмиш хотиралари ўта бошлаган эди. Мана Мирзақўл ерлари ўзлаштириб бўлинди, минг йиллик сахролар йигирма йилда бўстонга айланди. Дунёга донғи кетган чўлнинг хунук ўтмиши ҳозирги ёшларга чўпчак бўлиб туюлади. Илгариги одамлар чўлдан кўркса, эндиги одамлар чўлга ташна.

Ҳа, чўл ўтмишда хунук хотин эди. Ўша хунук хотин — ҳозирги замондай яхши бир йигитни туғиб берди. Она-да, она!

Олдиндаги икки йигит энгил машиналар ўртасида «Жигули»нинг мода бўлганлигини, унинг тезюрарлигини мактаб кетишарди. Иккови ҳам техникани улуғлаб, дунёда — техникадан улуғроқ бошқа нарсалар — одамлар ва юрт борлигини эсларидан чиқариб юборишган эди.

Чол уларнинг техникага бўлган иштаҳасини англаб, ички бир ташвишда бош чайқаб қўйди.

Чол бехосдан: — Ана Лайлак уя кишлоғи! — деб юборди. Унинг товуши титроқ ва хаяжонга тўла эди. Эшим «А?» деб машинани секинлатди, Абдукарим отасига ўгирилиб караб, унинг юзига тикилиб колди.

Чол кўтарилган кўкрагини оҳиста тушириб ютинди, бир лаҳза чакнаб кетган кўзлари бўзариб, маъюс бўлиб колди.

Эшим тезликни оширар экан:

— Нима бўлди, бова? — деб сўради.

Абдукарим кишлок уйларига диққат билан тикиларди. Чол бўлса хўрсинди.

— Мен шу ерда аравакашнинг кўшиғини эшитганман...— деди. Ҳа, худди шу ерда эди...— деб яна хўрсинди. Сўнг беихтиёр такрорлади:

Кўп қадимдир бу дунё, болангга колар,  
Боланг бир кун эр етиб, ишингни олар...

Одатан камгап чол, ўзининг муқаддас кўшиғини такрорлар экан, яхши-ёмон ўтган ҳаётини: ҳаётда нималарни йўқотиб, нималарни орттирганини, хуллас, ҳам содда, ҳам мураккаб кечган бутун ҳаётини — олдидаги мана шу икки сўзамол ёшга гапириб бергиси келди. «Гапириб бераман, албатта гапириб бераман», ўйлади ичида. «Бир марта эзма чол бўлсам бўла қолай».

— Аравакашнинг бу кўшиғини ёдлаб олинглар...— деб бошлади чол.

«Бу эски гаплар Эшим акага ёкмайди. У киши ҳозир зерикади», ўйлади Абдукарим. Отамни гапдан тўхтатиш керак. Аравакашнинг кўшиғи эмиш».

— Бу кўшиқ бизга тўғри келмайди, ота,— деди у қандайдир тантанали товушда.— Аравалар тугади, кўшиқлари эскирди! А, Эшим ака?

— Худди шундай!

— Биз машинакашнинг кўшиғини ўрганамиз, ота! Давримиз илмий техника даври.

У Эшимга, отамни гапдан тўхтатдим-а, дегандек мамнун караб кўйди.

Эшим қувониб борарди. Хонаси келса, чолни масҳара қилиш керак. Отдан тушган одам... нодон чол. Куни кеча тўғрилик ҳақида гапириб кўкрагига сиғмай юрарди. Мана эндиги аҳволи бужмайиб ўтирибди. Бугунги кунда узун тилидан бошқа ҳеч вақоси йўк.

— Тошбақа,— деди Эшим Абдукаримга илжайиб,— ҳалиги тошбақа-чи, ўзининг имиллаб юришини ҳақиқий донолик деб билар экан. Қанотли кушларни аҳмоқликда айблар экан. Нимага десанг, тошбақа ўз ерида кадамма-кадам яшар эмиш. Учган куш эса, бевафо эмиш. Қани энди ўзинг айт, тошбақа аҳмоқми ёки куш?

Абдукарим ўйлаб ҳам ўтирмасдан:

— Тошбақа-да,— деди.

— Худди шундай! Тошбақа пиёда. Куш қанотли. Бизнинг асримиз — кушлар асри.

Чол бир нарсани сизди — ёшлар очикдан-очик беҳаёлик ва сурбетлик қилишяпти.

Ўз ўғли... чолнинг кекса қалби увушиб оғриди. Мунча бу ҳаромтомоннинг пинжиги суқилмаса, деб ичида ўғлини қойиди. Менинг ўғлимисан? Ўғлимсан-ку, ахир. Фуруримиз қани? Чол афсусланди. Ўғлига, ҳали у бола эканида: бобосининг азиз дўмбираси, кишлоғи, тоғи ҳақида эзгу тушунчалар бермаганига, юрагида она кишлоғига меҳр-муҳаббат уйғотмаганига қаттиқ афсусланди. Айб ўзида. Ёлғиз ўғлим деди. Эрқалатди, арзанда қилди. Нимагадир унинг ўзи ақли йигит бўлади, ота-бобосини кадрлайди — тарихини ўрганади деб, ўйлади, бунга ишонди. Ўғли бўлса...



Улар Зоминда тўхташди.

Абдукарим ва Эшим катта биноларда пальто, костюмлар осиб қўйилган магазинга кириб кетишди. Чол атрофга олазarak караганча, бирорта кадрдон учраб колар, деган умидда нари-бери юрди.

«Ўзимнинг Зоминим, боболаримнинг изи колган азиз тупрок. Айланай юртим. Сени кўриб кўзларим қувонди. Ўзгариб яшнаб кетибсан, кадрдон юртим!»

О, қани бир мўъжиза бўлса-ю, олдидан аравакаш чиқиб колса. Устига тўн кийдириб, отларига бир йиллик ем-хашак берган бўларди. «Олинг, олинг», дерди. Буни менга ўртоқ Ленин, ха, шахсан ўртоқ Лениннинг ўзлари айтган, муҳим топширик, зарур иш қилиб буюрган. Мен кизилларданман. Большевикман. Пахтакор деҳқонман! Сиз Валакандазни кўрган бўлсангиз, мен Тошкентда, Москвада катта йиғинларда бўлдим. Дунёни кўриб, тагин Зоминга қайтдим. Сиз билан кўришмоқлик сўнгги армоним эди. Хайрият, тирик экансиз. Ўша ўргатган қўшигингиз ҳамон ёдимда...»

Чол Зоминсув сойига тушди. Бу ердаги эски ёғоч кўприк ўрнига янги бетон кўприк қурилибди.

Сувсиз сойда тошлар чатнаб ётарди. Ана одамлари... Бу ерда қўйлак кийган ҳам, телпак кийган ҳам бор. Тоғлиқ жойда. Иқлими ўзгарувчан. Айланай ўзимнинг Зоминим.

Айланай эски жойим, ўлмас юртим!

Мен сени унутмадим, сен ҳам мени эсла. Мен сенинг ўз болангман!..

Чол унсиз йиғлар эди.

## XII

— Оҳ, манови гўзалликни қаранг! — деди Абдукарим кўзлари ёниб. У кўкрагини олдинга ташлаб, юзини ойнага яқинлаштирди, Эшимга кулиб караб ютинди.

Эшим бош чайқади.

— Нимаси гўзал? Хаммаёк куриб, саргайиб ётибди-ку! Баҳорда кел, ана унда, гўзал десанг бўлади. Ҳозир... Э-э, бу ердан кўра чўй яхши.

Чол ўз туйғулари билан банд эди.

Мана дарвоза очилиб, чол эски ховлисига кириб боряпти. Булутларга ёндош ҳайбатли тоғлар эса чолнинг ховлисини ўраб турибди.

— Уйим!

Чол кўзларини юмиб-очди. Унинг кекса юрагида буюк бир тўлқин кўзгалди...

Тоғлиқлар уйида от сақлайди. Соз милтик ва кескир пичокқа ҳам эга бўлишади. Бу уч нарса ҳамиша тоғлиқларда учта яхши фазилатни мустаҳкамлаб туради.

От — юксакка интилишни; милтик — тоғни кўриклашни; пичок — якка мардликни.

Шунинг учун, тоғлиқларнинг уйида жажжи ўғлон туғилганида, дастлаб уни от эгарига ўтқизадилар. «Улғайганинда отли чавандоз бўл», деб тилак қиладилар. «Ўқ товуши сени ҳушёр қилиб турсин, тоғнинг жасур кўриқчиси бўл», деб милтик отадилар.

«Ёв билан юзма-юз олишганинда пичокдай кескир бўлгин», деб гўдакнинг ёстиғи тагига пичок қўядилар.

Бу ҳикматли ҳолга Абдукарим туғилганда ҳам амал қилинган эди. Бирок — чўлдаги баъзи енгилтаклар уни бошқача яшашга ўргатди.

Уларнинг кўнгилларида:

Чўл одамига от эмас, ҳар хил югурик машиналар ярашади.

Чўл одамига жасурлик эмас — қувлик ярашади...

Баъзи чўл ёшларининг қўнимсизлиги ҳам эҳтимол шундандир.

Улар тошлок сойдан анча юриб, Карапчи деган кишлок чеккасидан ўтишаётганда, чол ияк кўтариб кишлок уйларига каради. «Пиримул деган магазинчи ошнаси бўларди, омонмикин?»

— Тоғда яшаб кўриш керак, — деди Абдукарим.

— Қизиқсанми? — сўради Эшим.

— Ҳа, қизиқарли.

— Бу ерда шароит оғир. Чўлдагидай даста-даста пул тополмайсан. Тоғу тошлар эса, киссангга пул бўлиб кирмайди. Пахта мавсумида бўлса чўлга ҳайдаласан. Хатто чол-кампириларни ҳам ёрдамга олиб кетишади. Қайтага у ёқда, булган ўхшаган чўлнинг эгалари, бозорда юрамиз.

Чол ўғлидан биронга тоғни улуғлайдиган жавоб кутди. Аммо Абдукарим:

— Тўғри айтасиз, — деб Эшимнинг гапини маъқуллади ва ўзи ҳам сезмаган ҳолда отасини ранжитди. Тўғрисини айтганда у, орқада ўтирган отасини ўйламас, ҳозир унинг қалбида ва онгида бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди.

Афсонавий қасрларни эслатадиган тоғ чўққилари, олмосдай яркиллаётган қуёшнинг тарам-тарам шуъаларини, қирларда ёйилиб юрган қўй ва сирлар унга ота юрт бойликларининг сеҳрли макони бўлиб эмас, аксинча, қиз билан келадиган антиқа жойлар бўлиб кўринаётган эди.

У Сожидани кўмсаб, хаёлан у билан суҳбатлашиб борарди.

Машина ва Сожида Абдукарим кўксининг икки томони эди. Чол гап кўшмоқчи бўлди. Йўл-йўлакай, у икки ёшга ўз хотираларининг ўлмас гувоҳларини кўрсатиб, юрагини очмоқчи бўлди. Лекин негадир кўкс оғринди, уларга гапиргандан кўра сукутни хуш кўрди. Яна чолнинг кўнгли бузилиб, «уйим!» деб пичирлади.

Улар чапга бурилишди.

Бурун «Чилламосор», деб аталадиган кишлок ўрнида энди, тошларгина қолган эди.

Шу ерда «Жигули» тўхтади.

— Бу сой, ёмон сойга ўхшайди, — деди Эшим, — йўл бузук. Анови тошлар баллонни ёради. Қаердан чиқамиз?

— Сарик Камардан, — деди чол.

— Бошқа йўл йўқми? — сўради Абдукарим.

Эшим машинадан тушди.

Зилол сув тошлардан тошларга урилиб шарқираб оқарди. Сув ғоят муздек эди.

— Балик! — деб қичқирди Эшим.

— А? Балик! — Абдукарим ҳам тушди.

Ҳавода бўлса ялпиз ҳиди кезарди.

Ялпиз иси чолни ҳайрон қолдирди... «Ёпирай!»

Чол шу вақтга қадар қаёқда юрган эди? — Уйим!!!

Икки ёш ютоқиб сув ичишди.

Эшим йирик-йирик тишли оғзини очиб, кўкрагини керди, оёғидаги туфлисини иргитиб, сержун болдирини кўрсатиб, шимини тиззасигача шимарди. Панжалари қалта, ялпоқ оёғини авайлаб сувга солди. Бирдан ҳузур қилди. Сўнг кўйлагини ечди.

— Чўмиламиз, Абдукарим, эй! — деди қувончли тарзда. Кейин қирра тошдан чўчиб, қора ҳўл тупроққа оёқ босди.

— Тоғ балиғи ширин бўлади дейишади!

— Ширин бўлганда қандок! — «Ох, ох» лади Эшим, — катталар ейдиган балик-да. Бир марта совхозимиз директори Акбар ака Хўжаевга, шу баликлардан совға қилиб олиб борганман. Ўшандан кейин, директоримиз

учун «Эшимбой» бўлдим. «Эшимбойжон» бўлиш учун, кимиз ташидим...

Абдукарим киприклари пирпираб:

— Мени кечирасиз-у, бу хушомадгўйлик эмасми? — деб сўради.

— Хушомад! — деди Эшим кулиб. — Хўш, нима бўпти? Ҳозир ҳамма шунақа. Хушомадсиз ўсиш йўқ. Чунки замон шиддатли, кун ғанимат. Хушомад — кундалик манфаат.

— Қийин-да... — деди Абдукарим чайнаиб.

— Нимаси қийин? — мазах қилди Эшим. Ҳамма нарсаси борга, ҳеч вақт қийин бўлган эмас, қийин бўлмайди ҳам. Ҳеч нарсаси йўққа ҳамиша қийин. Ана отанг...

Чол бир сесканди: у ҳароми нима деяпти? Ўғли-чи?..

Улар яна йўлга тушишди.

Кетаётиб Эшим:

— Ҳа, бова, гапирмайсиз? — деди.

— Аҳмок! — деди чол.

— Лаббай.

— Ифлоссан!

— Ота?! — деди Абдукарим жонҳолатда.

— Тўхтат! — кескин буюрди чол. — Тўхтат, тушаман. — Чолнинг вожо-хати бузук эди.

— Ота?!

— Бас!

«Жигули» силкиниб тўхтади.

Чол кабинадан отилиб тушди. Тўнини елкасига ташлаб ғазаб билан ўғлига қаради-да, пиёда йўлга тушди.

Абдукарим нима қиларини билмай елкасини қисди...

— Ана!.. — деди Эшим. — Отанг шунақа эсини еган чол.

Абдукарим аросатда қолди.

— Эшим ака, жон ака, сиз хафа бўлманг. Кўнглингизга олманг. Ўзингиз биласиз, одам қариса... Тушунадиган одамсиз. Мен ҳам бирор кун хизматингизда бўларман...

Чол ҳамон орқасига бурилмай шитоб билан кетиб борарди.

### XIII

Чол ўғлини кутарди. Қари толнинг ёнига кетмонини қўйди. Утирди. Хов-ла жимжит. Шоҳларга қаради: қушлар йўқ. Гўё қушлар ҳам ўғли каби шаҳарга кетганга ўхшайди. Чол тоғни эслади. Соғинганини хис қилди. Энди қачон боради?

Чол ўғлини кутарди. Ўғлининг шаҳарга зарур иш билан кетганига ишонишни жуда истар эди. Истар эди-ю, кўнглининг бир чеккасида қандайдир ғашлик, қандайдир шубҳа борлигидан бу фикрига иккиланиб турарди. «Иш-килиб, — деди пичирлаб, — ёлғиз ўғлим... бузилмасин. Ёмонлар даврасига тушмасин».

Чол ўғлини кутарди. У ўғли билан очиқчасига гаплашиб қўймоқчи эди.

## МУНДАРИЖА

### ХИКОЯЛАР

ЗОҒОРА	3
КЎЗГА ТУШГАН ЧЎП.	9
УЧ ҒИЛДИРАКЛИ ВЕЛОСИПЕД.	11
ТОЙЛОҚ ҚАНДАЙ АҚЛИ БЎЛДИ	14
БОЛА, ГИРДОБ ВА ОЛАПАР	17
КИССА	
АРАВАҚАШНИНГ ҚЎШИҒИ.	22

Ўрта ва катта ёшдаги болалар учун

На узбекском языке

**АБДУРАШИД ПАРДАЕВ**

**ТРЕХКОЛЁСНЫЙ ВЕЛОСИПЕД**

*Повесть и рассказы*

Редактор **Д. Саидолимова**

Рассом **Г. Бойматов**

Расмлар редактори **В. Немировский**

Техн. редактор **Е. Потапова**

Корректор **Д. Абдуллаева**

ИБ № 2623

Босмахонага берилди 08.12.82 й. Босишга рухсат этилди 29.05.83 й.  
Р—18508. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.Офсет коғози. Адабий гарнитура.  
Юкори босма. Шартли босма л. 5.16. Шартли кр. -отт 21.28. Нашр  
л. 5.32.Тиражи 60000. Заказ № 394. Баҳоси 40 т.

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129.  
Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР  
Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш  
бирлашмасининг Офсет босма фабрикаси. 700128. Тошкент. У. Юсу-  
пов кўчаси, 86.